O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Ватан ҳимояси - иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2004 йил, 17 апрель, шанба № 46 (1934). ● Сотувда эркин нархда.
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Суббота, 17 апреля, 2004 г. № 46 (1934). ● В розницу — цена свободная.
Газета издается с 24 июня 1992 г.

Ўзбекистон—Россия: улкан ўзгаришлар сари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15—16 апрель кунлари амалий ташриф билан Россия Федерациясида бўлди.

Мамлакатимиз раҳбарининг ташрифидан асосий мақсад икки томонлама муносабатларга доир қатор долзарб масалаларни муҳокама этиш ва Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳамда террорчилик, экстремизм, наркобизнес каби халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашишдан иборат эди.

Ўзбекистон ва Россия Президентлари Ново-Огарёво қароргоҳида ушбу масалалар юзасидан атрофлича фикрлашди. Ислом Каримов ва Владимир Путин Ўзбекистон — Россия муносабатлари ўзаро ишонч ва ҳамкорлик тамойилларига асосланишини таъкидлади. Ҳозирги кундаги долзарб вазифа эса Президентларнинг учрашувларида эришилган натижаларни амалиётга янада кенг татбиқ этиб, муносабатларнинг мазмунини амалий жиҳатдан бойитишдан иборатдир. Икки мамлакат раҳбарларининг ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш хусусидаги ҳамфикрлиги бунинг учун энг муҳим асослардан биридир.

Президентлар кўплаб халқаро масалалар борасида ҳам фикрдош. Бу ўзаро муносабатлар изчиллик касб этганида ҳам яққол кўринади. Ўтган йили Ислом Каримов Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларига борган бўлса, Владимир Путин Самарқандга келди.

Давлат раҳбарларининг мунтазам мулоқотлари икки томон учун ҳам устувор саналган барча соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Алоқалар халқаро тузилмалар доирасида ҳам кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон ва Россия МДҲ ва ШҲТ бўйича ҳам бир-бирига ишончли шерик. Ислом Каримов ва Владимир Путин ШҲТ фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Владимир Путин Россия Президенти лавозимига қайта сайланиши мамлакатда барқарорлик мустаҳкамлиги ва халқнинг амалдаги сиёсатга ишончи юқори эканидан далолатдир, деди Ислом Каримов. Юртимизда содир этилган террорчилик ҳаракатлари ушбу мамлакатда кескин қоралангани ва ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш таклиф қилингани Ўзбекистон ва Россия мазкур иллатга қарши биргаликда курашишдан бирдай манфаатдор эканининг яна бир ифодасидир. Марказий Осиё ва бевосита Ўзбекистонда юз бераётган воқеаларга Россиянинг муносабати ва ёндашуви биз учун муҳим.

Учрашувда Ўзбекистон ва Россиянинг стратегик ҳамкорлигини яқин орада расмийлаштиришга келишиб олинди.

Мулоқот чоғида Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлашга, террорчиликка қарши ҳамкорликда курашишга доир масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Россия раҳбари яқинда юртимизда содир этилган террорчилик ҳаракатларини кескин қоралади. Президентлар террорчиликнинг ҳар қандай кўринишига қарши муросасиз курашиш зарурлиги, бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар фақат мустаҳкам ҳамкорликда, баҳамжиҳат иш юритилганда кутилган самара беришини таъкидладилар.

Ўзбекистонда рўй берган террорчилик ҳаракатларидан кейин келган телеграммалар, таъзияномалар, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар терроризмга қарши курашда биз ёлғиз эмаслигимизни яна бир бор тасдиқлади, деди Ислом Каримов.

Президентлар савдо-иқтисодий алоқаларда эришилган натижаларни таҳлил этиб, келгусида бу борадаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир масалаларни муҳокама қилди. Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 25,8 фоиз ўсиб, 1 миллиард 149,1 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Аммо Ўзбекистон ва Россиянинг имкониятлари бу кўрсаткич доирасидан анча юқоридир.

Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг ўтган йил августда Самарқандда бўлиб ўтган учрашувида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон—Россия ҳукуматлараро қўшма комиссиясига савдо-иқтисодий муносабатларнинг ҳолатини бугунги шароит нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш ва ривожлантиришнинг амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш вазифаси топширилган эди. Шундан кейин савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга қаратилган қатор тадбирлар бўлиб ўтди. Жумладан, Россия ёқилғи-энергетика мажмуи вакилларининг Россия Олий тоғ-кон кенгаши раиси, «Россия нефть-газ саноатчилари иттифоқи» кенгаши раиси Юрий Шафраник раҳбарлигидаги делегацияси Ўзбекистонга келди.

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон—Россия иқтисодий муносабатларида ёқилғи-энергетика соҳаси устувор ўринлардан бирини тутади. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Газпром» очиқ акционерлик жамияти ўртасида стратегик шериклик тўғрисида битим имзоланган. Унга биноан Россияга экспорт қилинаётган Ўзбекистон гази миқдорини 2006 йилда 10 миллиард куб метрга етказиш кўзда тутилган. Бу йил кузда «Газпром» билан ҳамкорликда Устюртдаги конларни ўзлаштиришга қаратилган 1,4 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳани тайёрлаш ниҳоясига етказилиши кутилмоқда. «Лукойл» компанияси ҳам «Ўзбекнефтгаз» билан бирга 996 миллион долларлик сармоявий лойиҳа бўйича шартномани ниҳоясига етказмоқда.

Бундан ташқари, «Алфа-Эко» компаниялари гуруҳи» масъулияти чекланган жамияти умумий қиймати 100 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган бир неча сармоявий лойиҳада иштирок этишга қизиқиш билдирмоқда. «Вим Биль Данн. Продукты питания» компанияси «Тошкентсут» акционерлик жамияти акцияларининг 77 фоизини харид қилиб, ишлаб чиқаришни замонавийлаштиришга 20 миллион доллар сарфлаш ниятида. «Промспецимпекс» компанияси эса Тошкентдаги «Фотон» очиқ акционерлик жамияти акцияларининг назорат пакетини сотиб олиш борасида музокара ўтказмоқда.

Ижтимоий соҳадаги ҳамкорликка доир янгилик сифатида яқинда Москвада «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси фаолият бошлаганини келтириш ўринлидир. Тошкентда Россия Федерацияси ҳукумати ҳузуридаги Россия халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик марказининг («Росзарубежцентр») ваколатхонаси ишлаб турибди. Икки мамлакат олий ўқув юртлари, тиббиёт муассасалари ўртасида яхши ҳамкорлик ўрнатилган, бу ўз самарасини бераётир.

Президентлар мамлакатларимизнинг ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқиш учун мустаҳкам асос ва кенг имкониятлар мавжудлигини таъкидладилар. Олий даражадаги мулоқотлар, маслаҳатлашувлар ва амалий учрашувларни изчил давом эттиришга келишиб олинди.

Ислом Каримов Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров билан ҳам учрашди. Мулоқот чоғида ташриф амалий мақомга эга бўлса-да, Президент В. Путин билан музокара натижаси кутилганидан кўра салмоқли бўлгани таъкидланди. Ўзбекистон ва Россия ташқи сиёсат маҳкамаларининг ҳамкорлиги, икки томонлама муносабатлар, дунёда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов Россия Саноатчилари ва ишбилармонлари иттифоқи раиси Аркадий Волскийни қабул қилди. Учрашувда икки мамлакат саноат корхоналари ва ишбилармон доираларининг бевосита алоқаларини янада ривожлантириш мазкур иттифоқ билан Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Ушбу учрашув сафар самараси анча юқори бўлганлигини яна бир карра кўрсатди. Унда «Нефтяная компания «Лукойл» очиқ акционерлик жамияти президенти Вагит Алекперов, Россия Савдо-саноат палатаси раиси Евгений Примаков қатнашгани ҳам буни тасдиқлайди.

Мамлакатимиз раҳбари ИТАР—ТАСС ахборот агентлиги бош директори Виталий Игнатенкони ҳам қабул қилди. Ахборот алмашиш ва ахборот технологиялари соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш суҳбатнинг асосий мавзуи бўлди.

Шу билан Президент Ислом Каримовнинг Россия Федерациясига амалий ташрифи якунига етди.

Президентларнинг ҳар бир учрашуви барча соҳаларда сезиларли юксалишлар рўй беришига олиб келаётгани аниқ. Ислом Каримовнинг Москвага бу галги сафари Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлигида янги босқични бошлаб бериши шубҳасиздир.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Москва — Тошкент.

● СЕНИНГ ЎҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!



Тинчликни сақлашда ҳарбий учувчиларнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Вертолётни осмонда маҳорат билан бошқариш учувчилардан пухта билим талаб қилади.

Айни кунларда қизғин давом этаётган синов машғулотларида учувчи капитан Ф. Ғуломиддинов ҳам барча тайёргарликлардан олган билимларини синчков комиссия ҳузурида намойиш этяпти. Натижалар кўнгилдагидек бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Ярослав КОРУКА олган сурат.

Мудофаа вазирлигида учрашув

Мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари вазири Жеймс Роше Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Қодир Ғуломов билан учрашди.

Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги матбуот хизматидан маълум қилишларича, музокарада Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида икки томонлама ҳарбий ҳамкорлик, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, шунингдек, террорчиликка ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашишни кучайтириш ҳамда Афғонистондаги вазиятни янада барқарорлаштиришга оид масалалар муҳокама этилган. Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасида ҳарбий, ҳарбий техникавий ва кадрлар тайёрлаш соҳаларида ҳамкорлик тобора кенгайиб бораётгани таъкидланган.

(ЎзА).

● ЧАҚИРУВ—2004

Ҳасан ва Ҳусан —бир сафда

Вазирлар Маҳкамасининг «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорига мувофиқ жойларда ҳарбийдан қайтаётган аскарларни кутиб олиш ҳамда хизматга отланган йигитларни кузатиш маросимлари давом этмоқда.

Тошкент шаҳар мудофаа ишлар бошқармасида ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Унда бўлғуси Ватан ҳимоячилари, уларнинг ота-оналари, ҳокимликлар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

— Барча синовлардан муваффақиятли ўтган дастлабки юз нафарга яқин йигитни ҳарбий қисмларга жўнатдик, — деди Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармасининг бошлиғи, подполковник Бахтиёр Маҳмудов ЎзА мухбирига. — Пойтахтимизнинг барча туманларидан саралланган яна 50 нафар йигит бугун хизмат жойларига жўнаб кетади.

— Иккаламиз ҳам синовдан яхши ўтдик, — дейди Бектемир туманидан хизматга чақирилган Ҳасан ва Ҳусан Усеновлар. — Спорт билан мунтазам шуғулланганмиз, мактабда яхши ўқиганимиз ўз самарасини берди. Иккаламиз бир қисмда хизмат қиладиган бўлдик.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

● СИНОВ МАШҒУЛОТЛАРИДАН ДАРАКЛАР

Тоғ довонидаги «жанг»

Мотоўқчилар батальони тактик тайёргарлик бўйича машғулотларни полигонда топширишди. Жамоа посбонларига тоғли довонда мудофаланиш билан боғлиқ вазифа қўйилди. Олдинда шартли душман разведкачилари, ортидан асосий кучлари келмоқда. Бу ҳақда пистирмада турган снайпер командирга рация орқали маълум қилди. Ўз вақтида, аниқ ва тўғри қарор қабул қилган жамоа сардори кўл остидаги посбонлари билан қўйилган вазифани муваффақиятли бажарди. Айниқса, бунда катта лейтенант Камол Турсунов етакчилигидаги взвод шунқорлари юксак натижаларга эришиб, жанговар шайликларини исботлашди. Шу ўринда оддий аскарлар—Умид Мустаев, Зафар Эрмўминов, Эргаш Шодиев, Нодир Убайдуллаевларни алоҳида таъкидлаш мумкин.

Лейтенант Элёр Абдураҳмонов етакчилигидаги миномётчилар гуруҳи ҳам тактик машғулотда олдинга қўйилган вазифани бекаму кўст бажаришди. Ахир, шартли душман асосий кучларига илк зарбани шулар беришди-да. Шу ўринда миномёт командири шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Тоҳир Абдуллаевнинг маҳоратига текширувчилар ҳам таҳсинлар ўқишди.

Бир сўз билан айтганда, синов машғулотлари посбонларнинг жанговар ютуқлар сари интилиши қай даражада эканлигини ҳам намоён этмоқда.

Капитан Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
(Марказий ҳарбий округ).

НА ЗАНЯТИЯХ ОТЛИЧИЛИСЬ...

Связисты подразделения капитана У. Шарипова, успешно сдавшие строгой комиссии специальную подготовку. Лучшие знания и навыки продемонстрировали командир группы старший лейтенант М. Маматкулов и механик рядовой У. Носиров.

***

Военнослужащие подразделения материального обеспечения младшие сержанты Х. Абдуназаров и А. Джаббаров. Они образцово подготовили к проверке подчиненный личный состав и автомобильную технику.

***

Командир танка рядовой Э. Бекмирзаев и наводчик рядовой П. Дангалов. Их экипаж на танковой директрисе поразил все цели с первых выстрелов. Рядовой П. Дангалов, как и многие его сослуживцы, также успешно отстрелявшие контрольное упражнение учебных стрельб, изъявил желание остаться в подразделении на контрактную службу.

***

Инструкторы механики-водители младшие сержанты Шеркул Эргашев и Бахтиер Джанбутаев, отлично подготовившие свои боевые машины к стрельбе и обеспечившие успешное проведение зачетных стрельб.

***

Минометчики старшие наводчики рядовые Д. Тоиров и Д. Мадраимов, призванные из Хорезма. Свою последнюю стрельбу они завершили с лучшим результатом в батарее.

***

Воины-разведчики капитана Д. Салимова, совершив за 52 минуты марш-бросок на 10 км, сразу же с отличным результатом поразили все цели на огневом городке. Не знали промаха снайпер младший сержант Б. Ходжакулов, стрелок младший сержант Шерзод Мадаминов и многие другие военнослужащие-профессионалы, поддержав добрую славу своего подразделения как одного из лучших в части.

Подполковник
Владимир КАЛОШИН.
Термезский гарнизон.

„Ўзметкомбинат“ тўйи

Мамлакатимиз эришаётган улкан ютуқларда «Ўзбекистон металлургия комбинати»нинг ҳам салмоқли улуши бор. Мазкур корхонанинг ташкил топганига 60 йил тўлди.

Шу муносабат билан 16 апрель куни Бекобод шаҳрида тантанали маросим бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў. Султонов ўқиб эшитирди.

Бундан 60 йил муқаддам иш бошлаган кичкина цех бугунга келиб улкан ишлаб чиқариш бирлашмасига айланди. Корхона ҳар йили халқ хўжалиги тармоқларига 500 минг тоннага яқин тайёр прокат етказиб бермоқда. Бирлашма жамоаси тайёрланаётган маҳсулот ҳажмини йил сайин кўпайтириб, ишлаб чиқариш қувватини ошириб бормоқда.

Корхонанинг тараққиёт йўли, айниқса, мустақиллик йилларида янада ойдинлашди. Комбинат жамоаси чет элларга ҳам маҳсулот экспорт қилмоқда.

Юртбошимиз халқимизнинг бунёдкорлигини, меҳнатсеварлигини доимо қадрлаб келади ва унинг бу фазилатларини энг катта бойлигимиз, деб таърифлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ корхонанинг бир гуруҳ ходимлари давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди. Тантанада мукофотлар ўз эгаларига топширилди.

Маросимда сўзга чиққанлар меҳнат аҳлига кўрсатиб келаётган доимий ғамхўрлиги учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

(ЎзА).

Олий маълумотли сержантлар

Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ҳарбий ислоҳотлар самарасини офицер Мағриб Муҳаммаджонов сардорлиги остидаги учувчилар ҳарбий қисмидаги синов машғулотларида кўришга муяссар бўлдик. Жумладан, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича имтиҳонларда шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар чуқур билимларини намойиш этишди.

Айнан ушбу соҳа бўйича талаблар жиддий бўлишини жамоа аъзолари олдиндан кутишганди. Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари бошқармасидан жўнатилган комиссия қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Б. Очилов бошчилигида келишди.

Капитан Ф. Ғуломиддинов раҳбарлигидаги ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича сержантлар гуруҳида синов машғулотини юқори штаб вакили подполковник А. Парпиев ўтказди. Техник лавозимларда хизмат қилаётган шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар, баъзан, кундалик ишлар билан банд бўлиб, юртимиз ва дунёдаги сиёсий воқеалардан ўз вақтида хабар топмаганликларини иш кўплиги билан оқламоқчи бўлишарди.

Бу сафар ундай бўлмади. Офицер раҳбарлигидаги гуруҳ ўз ишига масъулият билан ёндашиб, ҳар бир машғулотда тингловчиларни кенг қамровли билимлар билан бойитгани шундоққина кўриниб турди. Жавоб берувчилар билетлардаги саволларга тўлиқ ва қониқарли жавоб беришди.

Навбат кичик сержант Т. Тешабоев ва оддий аскар И. Холмирзаевга келганда, текширувчи «аъло» баҳодан юқори баҳо тополмади. Иккала ҳарбий профессионал нафақат билетдаги саволларга, балки шу билан бирга, бир неча қўшимча саволларга ҳам тўлиқ ва тўғри жавоб бера олди.

— Иккови ҳам олий маълумотли йигитлар, — деб очди ғалабанинг яна бир сирини қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Б. Қобилов. — Кўриб турибсиз, олий ўқув юртларини муваффақиятли тамомлаган ёшлар билан ҳарбий профессионаллар қатори тўлдирилиши армиямиз нуфузи ошиб бораётганидан аниқ далолат бермоқда.

Ҳа, Юртбошимиз айтганларидек, «кимга ва нима учун хизмат қилаётганини билмаган ҳарбий профессионалнинг қадри йўқ». Ўз қадрига етган, Ватанимиз мустақиллигини ҳимоя қилишга онгли равишда ёндошган ўғлонларни ҳар хил экстремистик оқимлар ўз сохта ғоялари билан чалғита олмайди. Юртдошларининг тинч ҳаётини сақлашда сергаклик ва ҳушёрлик билан сидқидилдан хизмат қилаётган ҳарбий профессионалларимиз душманга нафақат қурол билан, балки чуқур билимлари билан ҳам зарба беришга доимо тайёр туради.

Майор Аблай КАМОЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Сайёрамиз саҳоси • Пульс планеты

Расмий сафар билан Хитойга келган АҚШ вице-президенти Дик Чейни АҚШ Тайван мустақиллигини қўллаб-қувватламаслиги ҳақида баёнот берди. Пекин университети талабалари олдида сўзга чиққан Чейни Вашингтон Тайванга Хитойнинг бир қисми сифатида қарашини ва Хитойнинг ҳудудий яхлитлиги сақланиб қолиниши зарурлигини таъкидлади.

***

Саудовская Аравия заявила, что США не должны поддерживать намерение Израиля остаться на части оккупированных территорий. Заявление было сделано в связи с поддержкой Джорджа Буша такого плана во время визита Ариэля Шарона. Как говорится в документе, такой подход грозит свести на нет все договоренности по палестино-израильскому конфликту.

***

Италия ташқи сиёсий маҳкамаси раҳбари Франко Фраттини бен Лодин билан ҳар қандай музокаралар ўтказиш имконияти бутунлай кўзда тутилмаётганлиги ҳақида хабар қилди. У бу ҳақда Бен Лодиннинг «агар мусулмонларга ҳужум қилишни тўхтатишса», Европа мамлакатлари билан тинчлик шартномаси тузиш ҳақидаги таклифини шарҳлаб, шундай деди: «Бу бутунлай бўлиши мумкин эмас. Ва ҳамма буни яхши тушунади», — деб таъкидлади Фраттини.

***

Российским властям будет сложно обеспечить безопасность специалистов, остающихся в Ираке, заявил официальный представитель МИД России Александр Яковенко. «Они работают в разных точках, в разных местах, в разных городах. Обеспечить им полную безопасность не представляется возможным», — сказал Яковенко.

***

Совет глав правительств СНГ одобрил внесенные киргизской стороной предложения по созданию резервного фонда по ликвидации последствий катастроф природного и техногенного характера. Такой фонд может быть создан уже в нынешнем году на принципах долевого участия государств — участников Содружества.

***

Гонконг раҳбари Танг Чихва 2007 йилдан бошлаб Гонконгда сиёсий ислоҳотлар ўтказиш зарурлиги ҳақида баёнот берди. Жумладан, у Гонконг раҳбари ва шаҳар қонунчилик йиғини депутатларини сайлаш тартибини киритишни таклиф қилди. Шу билан бир вақтда, Чихва Гонконгда ислоҳотлар ўтказиш усуллари ва формалари қандай бўлиши ҳақида ҳеч қандай тушунча бермади. Унинг сўзларига қараганда, барча баҳсли масалалар Хитой раҳбарияти билан ҳал этилиши кўзда тутилмоқда.

***

Израильская полиция снова запретила пятничную молитву на Храмовой горе лицам, чей возраст превысил 45 лет. Постановление касается лиц, обладающих израильскими удостоверениями личности. Такое решение было принято в третий раз за последнее время в связи с опасением возникновения столкновений. В единственный день за три недели, когда были допущены лица старше 45 лет, на Храмовой горе вспыхнули столкновения. Тогда палестинская молодежь закидала полицейских камнями.

***

Жигар хасталиги оқибатида фақат бир неча соат умри қолган Сингапур фуқароси врачлар томонидан донор органини тезкор кўчириб ўтказиш операцияси натижасида қутқариб қолинди. Донор органи миянга қон қуйилиши натижасида вафот этган аёлдан олинган. Врачлар таъкидлашича, 44 ёшли Сулаймон Муссейн «фақат бир ёки икки-уч соат яшаши мумкин эди», операциядан сўнг эса соғайиб кетиш имконияти 75% деб баҳоланмоқда.

(Интернет материаллари асосида).

Вазирлар Маҳкамаси мажлиси

Вазирлар Маҳкамасининг 15 апрель куни бўлиб ўтган йиғилишида Республика ҳукуматининг 2004 йил 7 февралдаги мажлисида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштириш асосий йўналишларининг амалга оширилиши тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев бошқарди.

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларни бажариш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, миллий валютани алмаштириш курсларини унификация қилиш ҳамда унинг конвертацияси жорий этиш, иқтисодиётда хусусий секторнинг улушини ошириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар ўз натижасини бермоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида иқтисодий ўсиш суръатлари 4,8 фоизга ортди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,2 баравар кўп демакдир.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш суръатлари 8,8 фоизга, шу жумладан машинасозлик ва металлни қайта ишлашда 35,3 фоизга, қора металлургияда 19,1 фоизга, қурилиш материаллари саноатида 15 фоизга, ёнилғи саноатида 9,1 фоизга ошди.

Иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини ўстиришнинг иқтисодий ўсиш билан мувозанатланган суръатлари қишлоқ хўжалигида 106,7 фоизни, чакана савдода 105,1 фоизни ва пуллик хизмат кўрсатишда 111,8 фоизни ташкил этди.

Экспорт ҳажми бўйича юқори суръат, яъни 31,5 фоиз таъминланди. Тайёр маҳсулотлар бўйича ўсиш суръати 53,4 фоиздан иборат бўлди. Ташқи савдо баланси ижобий сальдоси 335,8 миллион АҚШ долларини ташкил этганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Иқтисодиётнинг реал секторига 200 миллиард сўм кредит ресурслари йўналтирилди. Давлат бюджети профицит билан ижро этилди. Қатъий пул-кредит сиёсатининг ўтказилиши инфляцияни жиловлаш имконини берди. Унинг даражаси йилнинг биринчи чораги давомида 1,1 фоизгача пасайди. Бу ўтган йилнинг айни давридагидан қарийб 5 баравар паст демакдир.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Ҳосилдорликни ошириш, шартномавий муносабатларни қонуний асосда йўлга қўйиш, қишлоқда яшаётган кишиларнинг иқтисодий манфаатдорлигини яхшилаш борасида талай ишлар амалга оширилди. Қишлоқ хўжалигида ҳусусий секторнинг улуши зарар кўриб ишлагани ва паст рентабеллиги туфайли тугатилган 284 ширкат хўжалиги негизида ташкил этилган 11,2 минг фермер хўжалиги ҳисобига ортди.

Маъмурий ислоҳотлар натижасида ортиқча бошқарув тузилмалари ва функциялари тугатилди. Натижада қарийб 40 минг бошқарув ходимининг иш ўрни қисқартирилди. Бу эса ўз навбатида ортиқча маъмурий бошқарув бўғинларини ихчамлаштириш ва самарали бошқарув услубини яратиш имконини берди.

Хомашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини тақсимлашнинг маъмурий тизими тугатилиб, уларни сотишнинг бозор механизмлари жорий этилди. Бу Республика товар-хомашё биржасида биржа савдоси ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 баравардан кўпроқ ортишини таъминлади.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтиришга доир чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. «Меҳр ва мурувват йили» дастурида белгиланган вазифалар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва инвестиция дастурларида йилнинг биринчи чорагига белгиланган вазифалар тўла бажарилмади. Тендер савдолари ўтказиш, қурилишларнинг аниқ рўйхатларини тасдиқлаш, уларни амалга оширувчи пудратчи ташкилотларни кредитлаш механизмларини жорий этиш борасида ҳамон муаммолар бор. Янги ташкил этилган фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиши лозим бўлган инфратузилма объектларини барпо этиш дастурининг ижроси белгиланган муддатдан орқада қолмоқда.

Мажлисда шулар ва шу каби бошқа муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирлари кўриб чиқилди.

Кўрилган масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосарлари Э. Ғаниев, А. Азизхўжаев, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С. Бегалиев, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси раисининг биринчи ўринбосари Ш. Мажидов, Бош прокурор ўринбосари П. Бобожонов, «Пахтабанк» акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси Қ. Тошматов ва бошқалар сўзга чиқди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. (ЎзА).

● ҚИСМ ВА БЎЛИНМАЛАРДАН ХАБАРЛАР

МАШҒУЛОТЛАРДА ТОБЛАНДИМ

Яқинда дала шароитидаги синов машғулотларидан қайтдик. Натижа чакки бўлмади. Механик-ҳайдовчилик касби бўйича ўрганганларимизни ҳарбий техникаларни бошқариб, амалда кўрсатдик.

Яна бир нарсани айтиб ўтишим керакки, қаерда маданий ҳордиқ чиқариш яхши йўлга қўйилса, ўша жойда бошланган ишлар муваффақиятли тугайди, кўзланган мақсадга эришилади. Бизнинг машғулотларда яхши натижаларни қўлга киритишимизда қисмда яратилган шарт-шароитлар асосий омил бўлмоқда. Аскар учун нима керак бўлса, бу ерда ҳаммаси муҳайё этилган.

Мен фақат бир нарса ҳақида гапирмоқчиман. Қисмимиздаги кутубхонанинг китоб фонди жуда бой. Кутубхонамизда қироатхона ҳам мавжуд. Бу жой дам олиш кунлари, айниқса, гавжум бўлади.

Оддий аскар Алишер ҚЎЧҚОРОВ.

● ПРИЗЫВ: ВЕСНА-2004 ГОДА

В РОДНУЮ АРМИЮ СЛУЖИТЬ

Торжественно и празднично прошел на сборном пункте Сурхандарьинской области проводы-митинг, посвященный отправке на срочную военную службу юношей из Сурхандарьи.

На митинге перед призывниками, их родителями и друзьями выступил заместитель Министра обороны по воспитательной работе полковник М. Ахмедов.

Поздравив присутствующих с этим радостным событием, он подчеркнул, что только лучшим из лучших доверяется сегодня служба в рядах Вооруженных Сил. Он заверил призывников, что в частях и подразделениях ждут новое пополнение и созданы все условия для нормальной службы и успешной боевой учебы новобранцев. Полковник М. Ахмедов напомнил собравшимся о тех льготах и преимуществах, которыми пользуются военнослужащие срочной службы, о том почете и уважении, которыми окружены в Узбекистане его защитники.

Много добрых напутственных слов нашли для призывников представители областного хокимията Т. Менглиев, председатель Сурхандарьинского отдела фонда «Нуроний» О. Соатов, председатель областной организации воинов-ветеранов (интернационалистов) М. Рахманов, матери новобранцев М. Исламова и Б. Аскарова.

Перед отправляемыми в Вооруженные Силы юношами выступил ансамбль Термезского гарнизонного Дома офицеров «Аскар». Гарнизонный оркестр, дирижируемый капитаном К. Татевосяном, поддерживал праздничное настроение военными маршами.

На прощанье призванные молодые люди искренне заверили родных и близких, что где бы им не пришлось нести службу—в артиллерии или разведке, в пограничных или внутренних войсках, — они оправдают доверие и не подведут.

Подполковник Владимир КАЛОШИН. (Передано по факсу).

САФДА—САРА ЙИГИТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорига мувофиқ жойларда ҳарбий хизматга отланган йигитларни кузатиш маросимлари давом этмоқда.

Қашқадарё вилоят мудофаа ишлари бошқармасида навбатдаги кузатув маросими бўлиб ўтди. Унда ҳарбийлар, бўлажак аскарларнинг ота-оналари, ҳокимликлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Маросимда сўзга чиқанлар ҳарбийга отланган йигитларимизга оқ йўл тилар экан, уларнинг Ватан, эл-юрт олдидаги йигитлик бурчларини сидқидилдан бажаришига катта ишонч билдирди.

— Бугунгача Ички ишлар вазирлигига қарашли ҳарбий қисм ва бўлинмаларга 120 нафар сараланган йигитни жўнатдик, — деди вилоят мудофаа ишлар бошқармасининг бошлиғи Мўмин Мамадалиев ЎзА мухбирига. — Ҳарбий либос кийишга ошиқаётган яна кўплаб йигитлар тез орада орзуларига етади.

Аҳад МУҲАММАД, ЎзА мухбири.

● ВЕСТИ С КОНТРОЛЬНОЙ ПРОВЕРКИ

МОТОСТРЕЛКИ НА ЛИНИИ ОГНЯ

Проведение взводных тактических учений (ВТУ) с боевой стрельбой традиционно входит в программу проверки подразделений мотострелков. Ведь именно в поле, на огневом рубеже, дается главная оценка уровня их боеготовности.

Гранатометчику огневой группы младшему сержанту по контракту Акмалю Саидаматову это объяснять не надо— он и так видит, что в случае его промаха «бронетранспортер» условного противника может просто смять залегших в окопах пехотинцев.

Однако этого не произошло. Первым же выстрелом Акмаль поражает цель — кумулятивный снаряд проходит прямо по центру мишени. Автоматчику рядовому Алишеру Рузметову остается только уничтожить «группу пехоты», оказавшуюся без бронированного щита. Звучат очереди, и мишени ложатся, пораженные умелой рукой солдата.

Это лишь небольшой эпизод из учебного боя. Мотострелки в этот день были в ударе — помимо стрелкового оружия в ход пошло штатное вооружение бронетранспортеров, гранатометы АГС. Условный противник подвергался обстрелу из всех видов оружия для более надежного обеспечения его поражения. Меткость разящих выстрелов не оставляла «наступавшим» ни одного шанса на рукопашный бой, а грохоту канонады вторило горное эхо.

... Лишь только затихло многоголосье выстрелов, как воздух наполнился голосами весенней природы: пением птиц, трелями цикад, легким шелестом буйного разнотравья. Пока солдаты разряжали оружие и обменивались впечатлениями от учебного боя, застал в окопе гранатометчика и выбрал пару минут для короткой беседы.

— Я из первых выпускников школы подготовки сержантов столичного военного округа, — рассказывает о себе младший сержант А. Саидаматов. — Нас очень скрупулезно готовили наставники, внушая мысль о том, что по нам будут судить в целом о степени эффективности проводимой реформы Вооруженных Сил. На этот же полигон выезжал не раз еще курсантом ШПС, потом уже в составе своего огневого взвода.

Гранатометчик искренне радовался тому, что именно его меткий выстрел вдохновил всю группу, создав хороший задел для победы в учебном бою. И очень важно, чтобы этот настрой сохранился до самого конца контрольной проверки, став надежной основой высокого конечного результата.

А на пункте управления вновь царило оживление — подразделению обеспечения необходимо было в сжатые сроки подготовить мишенное поле для стрельбы очередной группы. Обилие попаданий прибавило работы военнослужащим полигона, но меткий огонь мотострелков только порадовал их. Ведь выполненная боевая работа — яркое проявление высокого уровня боевой готовности защитников Родины.

Майор А. НУРОВ.
Фото Я. НИКОЛАЕВА.

НАМУНАЛИ АСКАР

Оддий аскар Анвар Қорабеков ўққи вазифасида хизмат қилади. У технология коллежида ўқиб юрганида бокс тўгарагига қатнашиб, спорт усталигига номзод унвонини қўлга киритган эди. Анвар армия хизматига келиб ҳам спортдан четлашиб қолмади. Аксинча, у ўз сафдошлари оддий аскарлар—Шоҳрух Маҳкамов, Нурали Рамазонов, Қаҳрамон Саломов ва Ҳамид Файзиевларга бокс сирларини ўргатди.

— Анвар Қорабеков нафақат яхши спортчи, балки қисмдаги энг аълочи ўқчилардан, — дейди сафдошлардан бири оддий аскар Ҳ. Файзиев.

Яна шуни айтиш жоизки, оддий аскар Анвар Қорабеков олий ўқув юртига «Тавсиянома» олишга сазовор бўлди. Намунали аскарга ўқишга киришида биз ҳам омад тилаб қоламиз.

Майор З. ХАИРИТДИНОВ.

● СИНОВЛАРДАН ДАРАКЛАР

Ҳарбий қутқарувчилар шайлиги юқори

Ҳарбий учувчилар ҳузурида бўлганимизда, вертолётчилар билан биргаликда жанговар навбатчиликда турган қидирув-қутқарув хизмати вакиллари ҳам қишки ўқув мавсуми синов машғулотларини аъло даражада топшираётгани гувоҳи бўлдик.

Жанговар навбатчиликдаги гуруҳ жойлашган бинога яқинлашганимиз заҳоти махсус сигналнинг ташвишли овози эшитилди. Юқори қўмондонлик вакили буйруғига биноан тезкор навбатчи Жамол Шукуров ҳарбий хизматчиларни ҳаракатга келтирди.

— Ватанимиз ҳаво сарҳадларини ноаниқ учувчи объект бузиб ўтган тақдирда Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари бошқарув пунктидан бизга буйруқ берилади, — дейди офицер. — Унга биноан осмонга дарҳол жанговар вертолётлар ва қидирув-қутқарув хизмати кўтарилади. Чунки биз томонга учаётганлар балким душман эмас, ҳаво кемаси носозликка дучор бўлганлар ҳам бўлиши мумкин.

Ёрдамга муҳтож одамларга кўмак кўрсатиш каби савобли ишга ҳарбий қутқарувчилар доимо шай туриб, доим ўз касбий маҳоратини ошириб келмоқда. «Жасорат» медали соҳиби подполковник Баҳодир Оллоберганов бошчилигидаги экипаж вертолётини парвозга кўтарганларида бортга тажрибали қутқарувчилар (**суратда**) сержант Баҳодир Бобохонов ва кичик сержант Абдуҳалил Алимовлар ҳам чиқади. Иккала ҳарбий профессионал шартнома бўйича ҳарбий хизматчи олдига қўйилган юқори талабларга жавоб беришини синовлар мобайнида яна бир бор исботлашди: саф кўригида ҳам, ижтимоий-сиёсий, жисмоний, махсус тайёргарликларда ҳам йигитларнинг баҳолари юқори бўлди.

Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Қутқарув смена бошлиғи, йўриқчи-қутқарувчи сержант Б. Бобохоновнинг ҳисобида 547 парашют билан сакрашлар бор, йўриқчи-фельдшер кичик сержант А. Алимов эса биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича қисмда илғорликни қўлдан бермайди.

Бундай хизмат вакиллари борлиги нафақат ҳарбий учувчилар учун, балки шу билан биргаликда тинч аҳоли учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки тоғдами, чўлдами, йўллардан узоқ жойдами инсон ҳаётига хавф-хатар пайдо бўлганида — «само қутқарувчилари» ҳеч ҳам кечикишмайди. Кечикишмасин ҳам, уларнинг савобли ишларига қутқарилганлар дуолари мадад бериб юрсин.

Албатта, бизнинг тилагимиз — посбонлар ёрдамига ҳеч ким муҳтож бўлмасин ҳам, улар учун «Тревога!» командаси фақат жанговар ўқув мақсадларида янграсин. Аммо, ҳақиқатан ҳам шундай мураккаб вазият юзага келган вазиятда вертолётчилар қисми қидирув-қутқарув хизмати вакиллари фалокатга учрагانларни асраб қолишга доимо шай эканлигига синов машғулотларида яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Майор Аблай КАМОЛОВ, «Ватанпарвар» мухбири.
Подполковник Ярослав КОРУКА олган сурат.

ИШОНЧНИ ОҚЛАЁТГАН ПОСБОН

Маълумки, ҳозирда ўтаётган назорат синов машғулотларининг айрим йўналишлари бўйича натижалар эълон қилинган. Демак, баъзи посбонлар ҳозирданоқ илғорлар сафидан жой олишга, умумий натижаларга кўра пешқадамлар рўйхатини бошқаришга даъвогар бўлишмоқда. Капитан Анвар Беккиров командирлик қилаётган гуруҳда бу каби ҳарбийлар талайгина. Оддий аскар Шерали Гадоев ҳам ушбу гуруҳнинг етакчиларидан биридир.

Вазифаси катта ҳайдовчи бўлган оддий аскар Ш. Гадоевни назорат-синов машғулотларида қўлга киритаётган кўрсаткичлари кўрилган пухта тайёргарлик, ўз устида бетинним меҳнат, ғалаба сари қилинаётган аниқ хаттиҳаракатлар самараси эканлиги аён. Масалан, жисмоний тайёргарлик борасида у гуруҳ командирининг ишончини бутунлай оқлади, дейиш мумкин. Чунки, тинимсиз машқлар эвазига керакли натижани кўрсата олди. Айниқса, узоқ масофага югуришда биринчилардан бўлиб маррага етиб келди.

Ишонамизки, умумий натижаларга кўра ҳам бу посбон илғорликни қўлдан бермайди.

Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

ЗИЁЛИ ОИЛА ФАРЗАНДИ

Қуролли Кучларимиз сафи йилдан-йилга ҳарбий касбга меҳри баланд, профессионал армия талабларига жавоб бера оладиган, етук хизматчилар билан мустаҳкамланиб бормоқда. Бу мустақил давлатимизнинг миллий армиясини такомиллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларидан бири сифатида эътироф топмоқда, албатта.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган кичик сержант Мардон Ёқубовнинг келажак орзуси ҳам қудратли кучга эга бўлиб бораётган мана шу сафда хизматини шартнома асосида давом эттириш. У бир ярим йиллик хизмати давомида замонавий армия талабларига жавоб бера оладиган аскар бўлишга астойдил ҳаракат қилди. Устоз командирларининг ишончига, дўстларининг меҳрига сазовор бўлди. Яъни, ҳарбий жамоанинг назарига тушди. Яна саноқли кунлардан сўнг эса, Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманига қарашли Шўрахон ширкат хўжалигида истиқомат қилаётган ота-онасининг бағрига қайтади. Албатта йигит учун қадрдон бўлиб қолган жамоасидан айрилиш осон эмас. Аммо юқорида таъкидлаганимиздек, Мардонбек назарида бу айрилиқ маълум муддатдаги таътилдек гап.

— Чунки мен келажагимни ҳарбийлик касби билан боғлашга қарор қилдим, — дейди у қатъийлик билан суҳбат чоғида. — Муддатли хизматга қадар автомобиль йўллари техникумини тугатганман. Яъни муҳандислик мутахассислигига эгаман. Лекин ҳарбий хизматдаги фаолиятим менинг келажак режаларимни ўзгартириб юборди. Чунки аскарлик бурчимни ўташ давомида мустақил Ватанимизнинг ишонган тоғи — тинчлиги, озодлигининг посбони бўлиш катта бахт эканлигини ҳис қилдим. Айниқса, ер юзида терроризм балоси мавжуд экан, бу илоннинг бошини янчиш мард йигитлар қўлида эканлигини унутмаслигимиз керак. Мана, яқинда ҳам унинг қора қўлларкаси халқимиз осойишталигига раҳна солиб ўтди. Бу манфурлик мен ва сафдош дўстларим қалбида ҳам ғазаб ва нафрат уйғотди. Шу билан бирга бу юртимиз тинчлиги йўлида янада сезгир ва ҳушёр, жанговар шай ҳолатда туришимизни яна бир бор тасдиқлади. Биз ҳозирда баҳорги синовларга тайёргарлик кўраяпмиз. Дўстларим оддий аскарлар — Р. Аманов, Б. Отахонов, Ш. Ёқубов, П. Полвоновлар билан бирга қишки ўқув мавсумининг синовларида юқори натижаларни қўлга киритишга аҳд қилганмиз. Мақсадимиз муддатли хизмат давомида ҳарбий, ижтимоий-сиёсий ва жисмоний жиҳатдан қай даражада етукликка эришганимизни исботлаш.

Кичик сержант Мардон Ёқубовнинг вазифаси катта планштечи. Яъни у муддатли хизматини Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучларига қарашли қисмда ўтади. Унинг аскарлик бурчига ўта эътибор ва масъулият билан ёндашишини устоз командирларидан капитан Зиёдулла Валиматов ҳам таъкидлаб, Мардонбекдан келажакда ўз вазифасига фидойи ҳарбий хизматчи чиқишига ишонч билдириб ўтди.

Қаҳрамонимиз зиёли оила фарзанди. Унинг ота-онаси ўқитувчилик касби билан эл назарига тушган инсонлар. Фарзандларининг танлаган йўлини эса улар чин дилдан қўллаб-қувватлашди. Ота-она ва устозлар ишончи кичик сержант Мардон Ёқубовни янада руҳлантиради, келажакда танлаган касбининг ҳақиқий фидойиси бўлади, дея биз ҳам ишонч билдириб қоламиз.

Зулфия ЮНУСОВА, «Ватанпарвар» мухбири.

КОНКУРС
ПО СТРЕЛЬБЕ И УПРАВЛЕНИЮ ОГНЕМ АРТИЛЛЕРИИ

УЧИСЬ СТРЕЛЯТЬ МЕТКО

ЗАДАЧИ ВТОРОЙ СЕРИИ

ЗАДАЧА № 1

Батарея 122-мм гаубиц Д-30 развернута в боевом порядке: ОП Хб=22000, Уб=58000, высота=800 м; КНП Х=19000, У=59500, высота=900 м; ОН=29—00.

Создан наземный репер № 1 с помощью дальномера на заряде четвертом, снарядом ОФ-462, взрыватель осколочный, стрельба мортирная. Полярные координаты репера с КНП (средние по группе из четырех разрывов): Дн=2330, Мр=—1—25, дирекционный разрыв = 32—06.

Пристрелянные установки по реперу: II репера пристрелянный = 1023 тыс., уровень репера пристрелянный = 29—95, доворот репера пристрелянный = 1—20.

Определить установки для стрельбы на поражение цели 72-й (Хц=17125, Уц=57950, высота цели = 650 м) переносом огня от репера упрощенным способом.

ЗАДАЧА № 2

Вычислить прямую засечку, если известно:

Ха = 66655, Уа = 09377,
Хв = 66789, Ув = 14236,
Хс = 69456, Ус = 15632,

Углы: А1 = 55 градусов 44,7 минуты;
В1 = 49 градусов 32,9 минуты;
А2 = 69 градусов 39,1 минуты;
В2 = 68 градусов 12 минут.

(См. рисунок).



ОТВЕТЫ НА ЗАДАЧИ ПЕРВОЙ СЕРИИ

ЗАДАЧА № 1

1. По полярным координатам (с КНП дивизиона) наносят репер на ПУО, определяют (или рассчитывают по дирекционному углу репера = 46—83, Дк = 2287 м, Мр = —0—08) его условные координаты и высоту: Хр = 45435, Ур = 07775, Нр = 81 м.

2. По дальности 5226 м, отвечающей пристрелянной установке прицела 125 тыс., с помощью графика, построенного на линейке дальностей ПУО, определяют приближенные топографическую дальность до репера Дтр = 5015 м и поправку направления репера исчисленного = —0—08.

3. Определяют приближенный топографический доворот от основного направления на репер, для чего из пристрелянного доворота от основного направления вычитают (с учетом знака) исчисленную поправку направления: и получают +0—18.

4. По приближенным значениям топографической дальности до репера и топографического доворота на репер (с точки репера) наносят на ПУО точку огневой позиции направляющего орудия и определяют (или рассчитывают по Дтр = 5015 м и Дтр = +0—18) ее условные координаты: Х=44300, У=12640. Высоту ОП принимают равной высоте репера (81 м).

5. По полярным координатам и углам места репера, определенным с КНП 1-й и 3-й батарей, наносят на ПУО и определяют (или рассчитывают) их условные координаты и высоты: КНП 1-й батареи — Х=44520, У=09190, Н=104 м; КНП 3-й батареи — Х=45730, У=09565, Н=94 м.

6. По полярным координатам и углам места с точки стояния направляющего орудия с помощью ПУО или расчетом определяют условные прямоугольные координаты и высоты ОП: 1-й батареи — Х=43900, У=12140, Н=88 м; 3-й батареи — Х=45060, У=12410, Н=69 м.

ЗАДАЧА № 2

Общее число выстрелов н=12, а число раз попадания в цель при данной стрельбе м=3. Частота попадания в цель в данной стрельбе будет равна 0,25.

Военно-политические новости

ПРЕСТУПЛЕНИЕ НЕ СТАРЕЕТ

В США суд Нью-Джерси лишил гражданства 81-летнего фермера после того как выяснилось, что он служил во время Второй мировой войны охранником в нацистских лагерях. По словам представителей властей, Эндрю Курас при въезде в США в 1951 году скрыл от властей тот факт, что в 40-х годах он работал в нескольких нацистских концентрационных лагерях. «Никто из тех, кто работал на нацистский режим, уничтоживший невинных людей, не может обладать правом на получение американского гражданства», — заявил судья по окончании заседания.

ПООБЕЩАЛИ...

Соединенные Штаты пообещали выделить 400 млн. долларов на восстановление и объединение Кипра, если турецкие и греческие киприоты на референдуме поддержат план ООН по объединению острова. Об этом сообщил руководитель американского агентства по вопросам международного развития Эндрю Натсиос на конференции стран — доноров Кипра в Брюсселе.

ВОЕННЫЕ СБОРЫ ДЛЯ ДЕПУТАТОВ

Упражнения по огневой подготовке и вождению боевых машин выполнят 54 депутата Госдумы в ходе сборов на базе гвардейской Таманской мотострелковой дивизии. «Практика подобных учебно-методических сборов появилась в Госдуме третьего созыва. В соответствии с действующим законодательством депутаты освобождены от прохождения военных сборов. Но подобные мероприятия способствуют повышению знаний офицеров запаса — депутатов и сотрудников аппарата Госдумы. Поэтому практика сборов сохранится и в Госдуме нового созыва», — сообщил председатель думского комитета по обороне генерал-полковник Виктор Заварзин.

РАССЕКРЕТИТЬ...

Дания намерена рассекретить разведданные об оружии массового поражения (ОМП) в Ираке, после того, как произошла утечка в СМИ некоторой информации. Как сообщил премьер-министр Дании Андерс Расмуссен, публикация засекреченных материалов могла уменьшить доверие к государству. Ранее офицер разведслужбы заявил двум журналистам, что правительство знало о том, что в Ираке вряд ли есть ОМП. Эти утверждения расходятся с утверждениями Расмуссена, который убеждал в 2003 году датский парламент, что Ирак обладает ОМП. В настоящее время офицеру предъявлены обвинения в нарушении государственных законов об информации, в то время как двое журналистов обвинены в «использовании информации, полученной в результате преступления».

ПЕРЕСТРЕЛКА

В иракском городе Эн-Наджаф обстрелу подверглась база испанской армии, после чего завязалась перестрелка с нападавшими и военнослужащими. В перестрелке участвовали военнослужащие Испании, Сальвадора и США. Об этом сообщает телеканал «Аль-Джазира». Из-за перестрелки американский самолет Ф-16 нанес удар по прилегающим районам.

ПО ПОДОЗРЕНИЮ

В Китае по подозрению в шпионаже в пользу Тайваня арестованы по меньшей мере десять военнослужащих, сообщает гонконгская газета «Соус Чина Морнинг Пост». Среди них четверо генералов. Аресты были проведены в феврале—марте. По сведениям газеты, они обвиняются в продаже секретов, касающихся размещения военной авиации, а также средств ПВО. Так, как утверждает газета, один из арестованных за разглашение информации о размещении модернизированных самолетов СУ-27 получил от Тайваня 120 тыс. долларов.

БОЛЬШЕ, ЧЕМ...

Министр обороны США Дональд Рамсфельд признал, что за последние недели боев в Ираке погибло больше военных, чем он ожидал. Всего с начала апреля в ходе так называемого шиитского восстания погибли 88 военных армии США, были убиты сотни иракцев. Также Рамсфельд сообщил о том, что срок пребывания в Ираке примерно 20 тыс. американских военных будет продлен.

(По страницам Интернета).

● ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР ЯГОНА КУНИНИ ЎТКАЗУВЧИЛАРГА ЁРДАМ

ЖАНГОВАР ШАЙЛИКНИ ОШИРИШ, ҲАРБИЙ ИНТИЗОМ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБОТНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармасининг тадбирлар режасига мувофиқ 23—24 апрель кунлари Қуролли Кучларимизнинг барча қисм ва бўлинмаларида «Юқори жанговар шайликни ошириш, ҳарбий интизом ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш — ҳар бир ҳарбий хизматчининг энг муҳим бурчи» мавзуида ҳуқуқий билимлар ягона куни ўтказилади.

Ушбу мавзуни ўрганиш ҳарбий хизматчиларга минтақадаги беқарор ҳарбий-сиёсий вазият, халқаро террорчи ва экстремистларнинг нафақат Ўзбекистон, шунингдек, бутун жаҳон ҳамжамияти хавфсизлигига таҳдид солаётган тўхтовсиз хуружлари шароитларида жанговар шайликни мунтазам ошириб бориш ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш заруратини янада чуқурроқ англаб олишларида ёрдам беради.

Мазкур мавзу бўйича машғулотлар ўтказишга қисм ва бўлинмалар раҳбарлар таркибини, ҳарбий адлия офицерлари ва энг яхши ижтимоий-сиёсий тайёргарлик гуруҳлари раҳбарларини жалб этиш лозим.

Мавзуни икки асосий саволдан келиб чиққан ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ:

1. Жаҳон ва минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг беқарорлиги, халқаро террорчилар ва уларнинг ҳамтовоқлари томонидан Ўзбекистонга қарши амалга оширилган янги хуружлардан келиб чиқиб, жанговар шайликни янада ошириш борасидаги вазифалар.

2. Мустаҳкам ҳарбий интизом — юқори жанговар шайликнинг зарурий шарти. Ҳарбий интизом ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш — жангчининг энг муҳим бурчи.

Мамлакат Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони И. А. Каримов ўзининг Ватан ҳимоячиларига Байрам табригида ҳарбий қурилиш соҳасида, ҳарбий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитларида давлатимиз ва Қуролли Кучларимиз олдида турган биринчи навбатдаги вазифаларни аниқ ифодалаб берди. Яъни, биз ўз олдимизга қандай мақсадлар қўйганимиз, ҳарбий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёни қайси йўналишлар бўйича олиб борилиши лозимлиги, ҳарбий ўқув сифатини, ҳарбий хизматчиларнинг касбий маҳоратини ва ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш сифатини ошириш учун қандай чора-тадбирлар кўрилиши лозимлиги аниқ таърифлаб берилди. **«Бир сўз билан айтганда, — деб таъкидлайди Президентимиз — мустақиллигимизни, тинч ва осуда ҳаётимизни ҳар қандай хавф-хатарлардан, балоқазолардан асраш ва ҳимоялаш мақсадини ўз олдимизга қўяр эканмиз, бунинг учун аввало бугунги кун талабларига жавоб берадиган миллий армияни барпо этишимиз, унинг салоҳияти ва маҳоратини оширишимиз зарур. Бу кенг маъноли, теран ҳақиқатни барчамиз яхши англаб, тушуниб олишимиз даркор».** Ана шу аниқ таърифда жамият ва давлатнинг Қуролли Кучларни мустаҳкамлаш, уларнинг жанговар салоҳияти ва жанговар шайлигини ошириш борасидаги фаолиятлари дастури ифодаланган.

Биринчи саволни кўриб чиқишга ўтилар экан, шуни таъкидлаш зарурки, ҳозирда жаҳондаги ва Марказий Осиё минтақасидаги ҳарбий-сиёсий вазият нормал ҳолатдан анча йироқ. Сўнгги йиллар мобайнида ҳам у барқарорлашмади. Бутун дунё мамлакатлари бўйлаб халқаро террорчи ва экстремистларнинг манфур таҳдид ва хуружлари тўхтовсиз давом этмоқда. Март ойининг сўнгги кунларида Тошкент шаҳрида ва Бухоро вилоятида террорчилик ҳаракатлари, портлашлар содир этилди. Ишончли манбалардан олинган хабарларга кўра, ушбу террорчилик актлари ягона марказ томонидан бошқарилувчи уюшган гуруҳ томонидан амалга оширилган. Гуруҳ аъзоларининг асосий қисми мамлакатимиздан ташқарида жанговар террорчилик тайёргарлигидан ўтган. Бу эса биз Ўзбекистонда содир этилган террорчилик актлари халқаро террорчилик ташкилотларининг иши деб тахмин қилишга тўлиқ асос беради.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон телевидениесига берган интервьюсида террорчиларнинг маккорона мақсадларини очиб ташлади ва давлат органлари ҳамда бутун жамиятнинг экстремизм ва терроризмга қарши курашни кучайтириш бўйича аниқ вазифаларини белгилаб берди. Бу вазифалар тўлалигича Қуролли Кучларимизга ҳам тааллуқлидир. Уларнинг мазмун моҳияти **хушёрликни, жанговар шайликни ҳар томонлама ошириш, ҳарбий интизом ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашга бориб тақалади.**

Халқаро терроризм — бу бутун инсониятнинг глобал муаммоси ва уни биргаликда ҳал этиш зарур. Давлатимиз **раҳбарининг фикрича, энг муҳим вазифа халқаро терроризмга куч бериб турган, уни молиялаштираётган, террорчилар тайёрлаш ва уларнинг аҳмоқона ғояларини тарқатиш учун шароитлар яратаётган манбаларни таг-туби билан йўқ қилишдан иборат.**

Кўриб турганимиздек, жаҳондаги ва минтақамиздаги ҳарбий-сиёсий вазият мураккаб ва кескин бўлиб қолмоқда. Шу сабабдан ҳам Қуролли Кучларимиз учун хушёрлик ва жанговар шайликни ошириш, интизом ва ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлаш масалалари мамлакат хавфсизлигини таъминловчи энг муҳим шартлар сифатида катта аҳамият касб этмоқда.

Жанговар шайликни қандай тушуниш лозим ва унинг асосий моҳияти нималардан иборат?

Эслатиб ўтамиз, Президент И. А. Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида: **«Бизнинг Қуролли Кучларимиз ҳар қандай вазиятда ҳаракат қилишга тайёр туриши, мамлакатнинг жўғрофий-стратегик мавқеини ва ҳудудининг жўғрофий хусусиятларини ҳисоба олган ҳолда эҳтимол тутилган босқинчига қуроқликда ва ҳавода зарба бера олиш учун жанговар салоҳиятга эга бўлмоғи зарур»,** дея таъкидланган эди.

Жанговар шайлик — бу давлат ва Қуролли Кучларда ягона, яхлит тизимни ташкил этувчи чора-тадбирларнинг тўлиқ бир комплексидир. Жанговар шайлик қуйидагиларни кўзда тутади:

— қўшилма, қисм ва бўлинмаларнинг шахсий таркиб, қурол-яроғ ва жанговар техника билан бутланиши,

— зарурий моддий воситалар захирасининг мавжудлиги;

— қурол-яроғ ва жанговар техникани шай ҳолатда сақлаш;

— қўмондонлик кадрлари ва штабларнинг юқори тезкор тайёргарлиги;

— шахсий таркибнинг юқори жанговар ва, аввало, дала ва ҳаво кўникмалари ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг юқори ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги;

— жангчиларнинг юқори маънавий-руҳий тайёргарлиги ва мустаҳкам жисмоний чиниққанлиги;

— қисм ва бўлинмаларнинг жанговар уюшқоқлиги, қўшинлар турлари ва тузилмаларининг пухталаштирилган ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатлари;

— мустаҳкам ҳарбий интизом, уюшқоқлик ва низомий тартиб;

— жанговар навбатчилик, қоровуллик ва ички хизматни хушёрлик билан ўташ.

Жанговар шайликни ҳар томонлама ошириш — бу Қуролли Кучлар барча шахсий таркибининг доимий, кундалик, энг муҳим вазифасидир.

Доимий ва юқори жанговар шайликни таъминлашда ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар ёки жанговар шайликни ошириш йўллари катта аҳамиятга эгадир. Бу чора-тадбирлар қайсилар?

Биринчидан, бу — армияни ўз вақтида такомиллаштириш ҳамда уни янги ва энг янги техникалар асосида қайта қуроллантириш. Президент И. А. Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда олиб борилаётган ҳарбий ислоҳотлар бу муҳим масалани тўла-тўкис ҳал қилиб бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессиясида қилган маърузасида белгилаб берилган ҳарбий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасидаги чора-тадбирлар ва мамлакат парламенти томонидан қабул қилинган ҳарбий хизмат ҳақидаги янги қонунлар Қуролли Кучларимизни сифат жиҳатидан янги, янада юқори даражага кўтармоқда.

Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш ўзига ҳарбий хизмат нуфузини ошириш, армияни чет эл давлатлари тажрибаси бўйича шартнома асосида қуриш, ҳарбий ўқувдан ўтган таркибни тайёрлаш, чақирувнинг ошкоралигини таъминлаш, чақирув комиссиялари ишини такомиллаштириш ва уларнинг фаолияти бўйича жамоат назоратини таъминлаш каби тадбирларни қамраб олади. Бу чора-тадбирлар мамлакатда амалга оширилаётган модернизациялаш ҳамда жамият ва давлат тузилишини демократик асосда янгилаш жараёнларининг асосий йўналишларига тўлиқ мос келади.

Иккинчидан, қўшинлар жанговар шайлигини оширишда **шахсий таркибнинг профессионаллиги, қурол-яроғ ва жанговар техникани моҳирона эгаллаши** катта аҳамият касб этади. Бу тадбир Ички хизмат низоми талабларида ўз аксини топган бўлиб, унинг 13-моддасида: **ҳарбий хизматчи «доимий равишда ҳарбий касбий билимларни эгаллаб борсин, ўз малакаси ва жанговар маҳоратини такомиллаштириб боришга мажбур»** дейилган. Ушбу ҳуқуқий нормада катта амалий маъно бор, яъни юқори жанговар шайликни ҳарбий касбий билимларсиз, жанговар маҳоратсиз тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Учинчидан, маълумки, жанговар шайлик қисм ва бўлинмаларнинг қўйилган жанговар вазифаларни тезкорлик билан бажариш қобилияти орқали аниқланади. Бу жанговар ўқув жараёнида ўқув-жанговар вазифаларни сифатли бажаришга алоҳида эътибор қаратиш зарур, демакдир. Жанговар ўқув ва мусобақа мобайнида жанговар иш нормативларини қисқартириш, ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатлар ва ўзаро бир-бирини алмаштириш, шунингдек, маскировка, ҳаво, умумқўшин ва ахборот разведкаси масалаларини пухта ишлаб чиқишга эришиш лозим.

Тўртинчидан, юқори жанговар шайлик шахсий таркибнинг маънавий-руҳий тайёргарлигига доимий эътиборни кўзда тутади. Машғулотлар, машқлар, учишлар жараёнида ҳарбий хизматчиларда юқори жанговар фаолликни, ғайрат ва шижоат билан ҳаракат қилиш ва кам талафотлар билан душман устидан ғалабага эришиш маҳоратини шакллантириш.

Шахсий таркибнинг жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги ҳамда тарбиявий ишларнинг барча усуллари орқали жангчиларда жанговар шайлик учун юқори шахсий масъулият ҳиссини, ўз ҳарбий бурчини бажаришга онгли ёндошувни, мақсадга интилувчанлик, фидокорлик, мардлик ва қатъийлик, ғалабага бўлган матонат ва иродани шакллантириш. Айниқса, жанговар навбатчилик, қоровуллик ва ички хизмат вазифаларини бажаришда, муҳим ўқув-жанговар масалаларни ҳал қилишда бу катта аҳамиятга эга.

Бешинчидан, ҳарбий интизомни, уюшқоқлик ва низомий тартибни барча чоралар билан, ҳар томонлама мустаҳкамлаш. Қонунлар ва Умумҳарбий низомлар талабларига қатъий риоя қилиш. Юқори ижрочилик ва бўйсунувчанликни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиш. Бу ерда ҳарбий интизом бўлмайди. Барча ҳолатларда ҳам бажарувчанлик аниқ, ўз муддатида, бўйсунувчанлик эса онгли ва сўзсиз бўлиши зарур. Буни ҳаётнинг ўзи ва минтақамиз ҳамда умуман дунёдаги мураккаб ҳарбий-сиёсий вазият талаб этмоқда.

Иккинчи саволни кўриб чиқишга ўтилар экан, тингловчилар эътиборини шунга қаратиш лозимки, биз жанговар шайликни ошириш чора-тадбирлари орасида **ҳарбий интизомни ҳар томонлама мустаҳкамлаш заруратини** кўрсатиб ўтган эдик. Жанговар шайлик вазифаларини ҳал этишда ҳам, умуман ҳарбий хизматда ҳам ҳарбий интизомнинг аҳамияти жуда катта. Шу сабабли ҳар бир жангчи ҳарбий интизом мустаҳкамлиги нималарга боғлиқлигини ва уни замон талаблари даражасида ушлаб туриш учун нималар қилиш зарурлигини яхши англаб олмоғи лозим.

Биринчи. Ҳар бир ҳарбий хизматчи мустаҳкам ҳарбий интизомнинг барча қўшинлар ҳаётий фаолиятидаги аҳамияти ва заруратини чуқур тушуниб олиши зарур. Интизом — бу шахсий таркиб, қисм, бўлинма мувафқиятлари пойдеворидир. Бунда **ҳарбий интизом талабларини онгли равишда бажариш — унинг мустаҳкамлиги ва пухталиги негизи** эканлигини таъкидлаймиз. Бу эса командирлар, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарларидан интизом масалаларига доимий, кундалик эътибор қаратишни, шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг барча тоифалари билан мақсадга йўналтирилган, таъсирчан тарбиявий ишлар олиб боришни талаб қилади.

Иккинчи. Интизом мустаҳкамлиги қонунлар ва ҳарбий низомлар билан белгиланган тартиб ва қоидаларни билиш, шунингдек, пухта, ҳарбий хизмат мобайнида шаклланган низом қоидалари, ахлоқ нормаларига риоя қилиш кўникмаларига буткул боғлиқ.

Учинчи. Интизом мустаҳкамлиги ҳарбий хизматни пухта ташкиллаштириш, қатъий низомий тартибга боғлиқ. Ҳарбий хизматни пухта ташкиллаштириш — командирларга жангчиларни интизомли қилишда, уларда низомий ахлоқ нормаларини шакллантиришда энг катта ёрдамдир.

Тўртинчи. Бу — ҳарбий жамоадаги соғлом маънавий-ахлоқий муҳит, мустаҳкам жанговар ўртоқлик, шунингдек, жангчининг хатти-ҳаракати ва қилган ишларига бутун ҳарбий жамоанинг талабчан муносабати. Унинг белгиланган ахлоқ нормаларига риоя қилиш бўйича қатъийлиги. Қонунлар, низомлар талаблари ҳамма учун мажбурий.

Бешинчи. Мустақиллик ишининг ҳаққонийлигига қатъий ишонган, онгли, интизомли жангчи ҳарбий касбни қунт билан эгаллайди, ҳарбий хизматни бенуқсон ўтайди. У ўз ҳиссиётларини бошқара олади, турли, энг мураккаб жанговар вазиятларда ҳам қўйилган вазифани дадил бажаради. Шунинг учун ҳам жангчининг сиёсий онглилигини ошириш, унинг ижтимоий-сиёсий билимларини такомиллаштириш, дунёқарашини мустақиллик ғоялари ва мустақиллик мафкураси асосида шакллантириш ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш ишининг энг муҳим йўналишидир.

Барча бу омиллар биргаликда юқори жанговар шайликни таъминлашга қодир бўлган, минтақа ва умуман дунёдаги ҳозирги ҳарбий-сиёсий вазият, мамлакатнинг мудофаа эҳтиёжлари ва хавфсизлиги борасида юзага келган турли синовларни енгиб ўта оладиган мустаҳкам ҳарбий интизомга асосланган бир бутунликни ташкил этади.

Шунинг учун **командирлар, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарларининг энг асосий вазифаси ҳарбий хизматчининг ҳарбий хизматдаги биринчи қадамларидан бошлаб қонунларни, ҳарбий низомлар талабларини пухта билиши ва уларни бажаришга онгли равишда ва чуқур ҳурмат билан муносабатда бўлишига эришишдир. Қонунлар ва низомлар талабларини мукаммал билиш — жангчининг бурчи ва муқаддас** мажбуриятидир. Билим эса — бу уларни аниқ, пухта бажариш учун асосдир. Низомлар бўйича билимлар шунчалик чуқур бўлмоғи лозимки, жангчининг асосий ахлоқ нормалари унинг фаолиятидаги турли шароитларда ички эътиқодига, кундалик ҳаёт қонунига айланиши лозим.

Ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, масъулиятли ва виждонли жангчи бўлиш, низомий тартибга қатъий риоя этиш — ҳар бир жангчининг бурчи. Ва сен жангчи, қаерда бўлмагин, қандай мутахассисликни эгалламагин, шуни доимо ёдингда тутгинки, сизларга, Ватаннинг қуролли ҳимоячиларига халқимизнинг тинч меҳнатини муҳофаза қилиш, мамлакат хавфсизлиги, унинг муқаддас сарҳадларини ҳимоя қилиш бўйича юксак масъулият юкланган.

Қисм ва бўлинмаларнинг жанговар шайлиги мамлакат Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони кўрсатмаларига ва Мудофаа вазирининг 2003-2004 ўқув йили учун қўйилган талабларига тўлиқ мос келишига эришиш бизнинг бурчимиз ва муқаддас мажбуриятимиздир. Жанговар шайлик доимий, юқори ва ишончли, ҳарбий интизом эса мустаҳкам бўлмоғи лозим. Улар тўлиқ маънода халқимиз манфаатлари ва мустақил Ватанимиз хавфсизлигига мос бўлмоғи зарур.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармаси.

Книга о трагедии Арала в Москве

В Москве в Международном сообществе писательских союзов состоялась презентация книги «Письма на тот свет, Дедушке» народного писателя Узбекистана и Каракалпакстана Тулепбергена Каипбергенова. Книга издана московским издательством «Мир» при содействии МСПС, ряда других организаций и отдельных граждан.

Собравшиеся известные писатели, ученые, журналисты многие годы своей жизни посвятили борьбе за спасение Арала от экологической катастрофы. Говоря о значимости новой книги Т. Каипбергенова, они так или иначе концентрировали внимание собравшихся на большой беде народа, для которого гибель Арала сравнима «со смертью отца, а высыхание Амударьи и Сырдарьи со смертью матери».

Сам писатель, представляя свое новое произведение, отметил, что на протяжении многих лет он на самых разных уровнях не устает говорить об аральской трагедии. Еще в 1989 году запомнилось яркое и драматическое выступление Т. Каипбергенова, посвященное трагедии Приаралья. Академик Андрей Сахаров в этой связи даже писал, что «она по своим масштабам и затяжным последствиям сопоставима с последними мировыми катастрофами... Это выступление было одним из самых страшных на этом форуме».

По мнению большинства выступавших, книга Каипбергенова стала не просто исповедью, а буквально криком души человека, переполненной горем и болью по исчезающему морю, страдающему народу, погибающей окружающей природе.

Герой его новой книги вспоминает свое детство, проведенное у берегов полноводного Арала, те дни, когда своенравное и буйное море выходило из берегов и затапливало окружающие земли, борьбу людей с этой стихией. Как образно выразился один из участников презентации, сегодня Арал напоминает глубокого старца, дни которого сочтены, а почти высохшие глаза все еще с надеждой смотрят на мир.

Во время презентации прозвучало предложение, которое было поддержано всеми ее участниками: обратиться в ЮНЕСКО с призывом издать книгу Т. Каипбергенова на ведущих мировых языках для распространения по всему миру. Ведь гибель Арала — это проблема не одного народа, не одной страны, а беда всей планеты.

ИА «Жахон».

БУХОРО МАНЗАРАЛАРИ ДУНЁ НИГОҲИДА

Москвада ўтган «Пресс-фото: Россия—2004» халқаро кўргазмасида уч юздан знёд фото усталари қаторида бухоролик Шавкат Болтаев, Зилола Саидова ва Ситора Муродованинг асарлари ҳам намойиш этилди. Мазкур муаллифларнинг «Ўрта Осиёнинг ҳозирги замон фотосанъати» экспозициясидан ўрин олган суратларида қадимий ва навқирон Бухоро манзаралари, тарихий обидалари, юртдошларимиз сиймоси акс эттирилган.

Ҳамюртларимиз асарлари томошабинлар ва мутахассислар эътиборини ўзига жалб этди. Россия, Украина, Озарбойжон ва Болтиқбўйи республикаларидан келган суратқашлар Бухородаги Фото санъатини ривожлантириш маркази билан ҳамкорлик қилиш, биргаликда янги кўргазмалар ташкил этиш хусусида келишиб олди.

Илҳом САФАР,
ЎзА мухбири.

«ИЛҲОМ-XX» ФЕСТИВАЛИ

Шу йилнинг 20 апреледан 1 майгача Тошкентда «Илҳом-XX» халқаро замонавий мусиқа фестивали бўлиб ўтади. Бу ҳақда фестивал ташкилотчиларидан бири, Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонасида ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Франция элчихонаси маданият бўйича маслаҳатчиси Иоан Юреснинг таъкидлашича, ушбу анъанавий фестивал Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги, республика Бастакорлар уюшмаси, Давлат консерваторияси, Тошкентдаги Виктор Гюго номли француз маданият маркази, Германия, Италия, АҚШ, Швейцария элчихоналари, Гёте институти ҳамда Швейцария қўллаб-қувватлаш ва ҳамкорлик жамғармаси томонидан ташкил этилмоқда.

«Туркистон-пресс».



Дорихона бошлиғи шартнома бўйича хизмат сержанти Фарҳод Ҳошимов ва фельдшер шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Абдурашид Аҳмаджоновлар шахсий таркиб учун биринчи ёрдам қутичаси ҳамиша зарур дори-дармонлар билан таъминланган ҳолда бўлишини назорат қилиб туришади. Шунинг учун ҳам улар хизмат қилишаётган бўлинмада зарурат туғилганда дори-дармон излаб узоққа борилмайди.

Александр МРУЧАК олган сурат.

Доброе слово окрыляет

Приезд родителей в подразделение всегда праздник для солдат. После теплой встречи, знакомства с условиями службы и быта сыновей все собираются в комнате общественно-политической информации. И начинается задушевный разговор о том, что волнует.

Запомнилась воинам и недавняя встреча. Навестить своих сыновей приехала группа родителей из г. Навои. Они побывали в спальных помещениях, в солдатском клубе, библиотеке, столовой, в спортгородке. У всех осталось хорошее впечатление после знакомства с армейским бытом.

А потом воины пригласили своих гостей в комнату общественно-политической информации. Перед собравшимися выступил заместитель командира по воспитательной работе старший лейтенант М. Бахромов. Он рассказал об успехах, достигнутых подразделением в новом учебном году, проанализировал отношение каждого воина к кому приехали родные, к службе. Подробно остановился на том, как в коллективе организована взаимопомощь, как выполняются требования Военной присяги и воинских уставов.

А потом слово взяли родители. Отец рядового В. Сапарова рассказал о преобразованиях, происшедших в Навои и области за годы независимости, о достигнутых успехах в промышленности и сельском хозяйстве. Другие родители в своих выступлениях призвали воинов укреплять дисциплину, соблюдать уставной порядок, крепить боеготовность, с честью и достоинством выполнять свой долг перед Родиной.

— К нам часто приезжают делегации районов, областей, откуда призвались солдаты, — рассказывает старший лейтенант М. Бахромов. — Приезжают отдельно или группами родители. И мы не упускаем возможности, чтобы они выступили перед воинами, дали им свой родительский наказ. Часто приезжают братья солдат, которые недавно отслужили в армии. Их выступления представляют особую ценность для личного состава. Недавно, например, проведать брата приезжал сержант запаса Ш. Расулов. Его рассказ о своей службе в танковом подразделении никого не оставил равнодушным. Словом, такие встречи очень помогают нам в воспитательной работе. А как сами солдаты меняются после приезда своих отцов, матерей, братьев! Стараются служить еще лучше, добиваясь новых успехов в овладении ратным мастерством! Кстати, многим родителям мы направляем благодарственные письма за хорошее воспитание сыновей.

Да, в воспитательной работе здесь широко используется такая форма, как отправление родителям благодарственных писем. Как правило, готовые к отправке письма зачитываются перед строем личного состава.

Радостно в такие минуты бывает на душе у тех, чьи родители получат в скором времени такие послания, подписанные командиром и его заместителем по воспитательной работе. Ну а те, кто пока не удостоился такой чести, стараются, как правило, служить еще лучше.

— Недавно я побывал в краткосрочном отпуске в своем родном кишлаке, — рассказывает Шакир Худояров. — А перед моим приездом командование отправило родителям благодарственное письмо. Естественно, они поделились своей радостью с односельчанами. И представляете, меня встречали очень хорошо. Даже немного неловко чувствовал себя от такого внимания. Аксакалы разговаривали со мной как со взрослым, с интересом расспрашивали о службе. Меня пригласили в школу, где я выступал перед ребятами, которым в скором времени предстоит идти в армию. Словом, на меня смотрели, как на настоящего защитника Родины. И в душе я, конечно, этому очень радовался. А сейчас, после отпуска, продолжаю служить, помня наказы, данные мне земляками.

В этом коллективе те, кому положено по долгу службы, пытливо изыскивают пути дальнейшего улучшения организаторской и воспитательной работы с молодежью. Доброе слово, дельный совет старшего, короткая беседа в перерыве между занятиями, практическая помощь на месте, содержательное выступление на собрании или тематическом вечере, заметка в стенной газете — все это поддерживает творческую инициативу и патриотические начинания военнослужащих, укрепляет воинскую дисциплину, повышает боевую готовность подразделения.

Сергей БУДАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».

ШОИР ХОТИРАСИГА

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг 50 йиллигига Андижон вилояти «Ҳаёт» нашриёти шоир ҳақида хотиралар китобини нашрга тайёрлади. Унда Муҳаммад Юсуфни яхши билган таниқли адабиёт ва санъат намояндалари, артистлар, публицистлар, ҳамкасблар ва дўстларнинг фикрлари тўпланган.

— У минглаб шеърият шайдоларининг қалбини ром этди, — дейди «Ҳаёт» нашриёти директори, шоир У. Шукуров. — Муҳаммад Юсуф мустақилликнинг оташин куйчиси эди, ўз ижоди орқали мамлакатни озод кўришни истаган, ўзини қадим ва бой тарихга эга ягона халқ сифатида англашга интилган одамларнинг қарашларини ифодалади.

Китоб Муҳаммад Юсуф ижоди ихлосмандлари учун катта қизиқиш уйғотади. Шоир ҳақида Ўзбекистон Қаҳрамонлари Саид Аҳмад, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Озод Шарафуддинов, халқ артисти Юлдуз Усмонова ва бошқалар сўз юритади.

С. ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири.

Новости науки и техники

ЛЕКАРСТВА И ПОЖИЛЫЕ ЛЮДИ

«Люди старше 60 лет в среднем принимают три различных лекарственных препарата: это в три раза больше, чем принимают пациенты помоложе, — говорится в немецком журнале «Шпигель». — Однако риск взаимодействия лекарств и, как следствие, возникновения побочных эффектов, значительно возрастает с увеличением числа принимаемых препаратов». Сложности могут возникнуть еще и потому, что врачи часто не учитывают, что в пожилом возрасте почки человека работают хуже. В результате лекарства могут накапливаться в организме. Следовательно, «доза, приемлемая для 40-летнего человека, может быть ядом для 70-летнего, — объясняется в журнале. — Многие пожилые люди усложняют ситуацию тем, что не пьют достаточно воды». Как говорится в сообщении, само по себе обезвоживание может привести к возникновению побочных эффектов, похожих на те, которые вызывают болеутоляющие и противогипертонические средства, а также транквилизаторы. Среди симптомов — взволнованность, бред и головокружение, которые часто просто списывают на преклонный возраст.

РЕЗОЛЮЦИЯ ПРОТИВ...

Комиссия ООН по правам человека приняла резолюцию против неонацизма и неофашизма, предложенную Россией и Белоруссией. За проект резолюции проголосовали 36 из 53 стран, против — 13 стран при 4 воздержавшихся. Резолюция осуждает современные формы проявления расизма, расовой дискриминации, ксенофобии и связанной с ними нетерпимости.

РАБОТА ПО ДОМУ — ХОРОШАЯ ЗАРЯДКА

Можно ли классифицировать уборку при помощи пылесоса, мытье окон и катание детской коляски во время прогулок как полезные упражнения? Можно, если учитывать недавние исследования, проведенные в Университете Квинсленда (Австралия). В газете «Канберра таймс» сообщалось об исследовании, в ходе которого ученые прикрепили к семи женщинам, имеющим детей в возрасте до пяти лет, приборы для измерения количества кислорода, поглощаемого ими в течение их обычного дня. По словам ученых, полученные данные свидетельствуют о том, что выполнение некоторых работ по дому происходит с такой же интенсивностью, как выполнение полезных для здоровья физических упражнений. Профессор Уэнди Браун установила, что работа женщины по дому сравнима с такими занятиями, как быстрая ходьба, катание на велосипеде и плавание.

ИСКУССТВЕННЫЙ ЗАГАР НЕБЕЗОПАСЕН

«У тех, кто прибегает к искусственным источникам ультрафиолетового излучения, особенно у молодых, риск возникновения рака кожи выше по крайней мере вдвое», — пишет лондонская «Гардиан». Маргарет Карагас, преподаватель Медицинской школы Дартмут в Нью-Гэмпшир (США), опросила 1500 человек в возрасте от 25 до 74 лет, по меньшей мере половине из которых недавно поставили диагноз — рак кожи. Согласно лондонской «Таймс», было замечено, что в возрасте до 50 лет за каждое десятилетие использования искусственных источников ультрафиолетового облучения риск заболеть раком кожи увеличивается до 20 процентов.

КЛЮКВА ПРОТИВ ИНФЕКЦИИ

«У клюквенного сока давняя и славная традиция, — говорится в лондонской «Таймс». — Среди американских индейцев он известен и как лекарство, и как напиток. Говорят, что с его помощью американские моряки боролись с цингой». Богатый витамином С и антиоксидантами, клюквенный сок также обладает антимикробными свойствами, которые делают его особенно эффективным средством в борьбе с инфекцией мочевых путей. Но эффективность этого средства связана не с воздействием сока на кислотность мочи, как считалось раньше. Согласно «Таймс», в соке есть вещества, которые не дают кишечной палочке, вызывающей большинство инфекций, прикрепляться к стенкам мочевых путей, так что бактерии выводятся из организма до того, как разовьется инфекция. Исследователи также обнаружили, что клюквенный сок помогает при болезни десен.

(По страницам Интернета).

● 2004 ЙИЛ — МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ

Ҳотамтойлик фалсафаси

Тилимизда сахий, мурувватли кишиларни улуғловчи сифат ва иборалар анчагина. «Қўли очиқ», «меҳр-оқибатли», «саховатпеша», «ҳиммати баланд» ва ҳоказо. Кўпинча, шундай сифатли кишиларга нисбатан «ҳотамтой» ибораси ишлатилади. Ҳар бир сўзнинг ўзига яраша тарихи бўлганидек, бу атама ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмаган, албатта. Мурувватпешалиги билан шуҳрат қозонган Ҳотами Тойидан қолган ном бора-бора сифатга айланиб кетганини кўпчилик яхши билади.

Ҳотами Тойи ҳақида икки оғиз сўз. Манбаларда номи афсоналарга йўғрилиб кетган бу шахснинг асл исми Абу Сафона Ҳотам ибн Абдуллоҳ бинни Саъд бўлиб, милодий 5-6 асрларда яшаб ўтган. Арабларнинг Той қабиласи бошлиғи бўлган. Маълумотларга кўра, бизгача унинг шеърлари ҳам етиб келган.

Шарқ адабиётида Ҳотам сахийликнинг энг олий тимсоли саналади. Шарқнинг кўплаб мутафаккирлари Ҳотам номини ҳурмат билан ёдга оладилар. Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул аброр» достонида ҳам у ҳақда ибратли ҳикоят келтирилади.

Ривоятларга кўра, у умрини одамларга яхшилик қилишга бағишлайди. Бутун бойлигини хайр-эҳсон йўлида харжласа-да, унинг давлати борган сари ортиб бораверган. Айтишларича, унинг қасрида етмиш икки дарвоза бўлиб, ҳожатталаб киши уларнинг барчасига бирма-бир кириб ўтса-да, ҳеч биридан қуруқ чиқмас экан.

Ҳотамдан сўрашибди: «Бунча хайру саховатни, очиқ-қўлликни кимдан ўргандингиз?». У жавоб берибди: «Ғиштдан. Чунки, ғиштни қўлма-қўл узатаётганда қўлингдагини узатсанг, ўрнига бошқаси келиб тушади. Худди шунинг каби, сен борингни бировга берсанг, ўрнини Яратганнинг ўзи тўлдиради».

Қўни-қўшни, қариндошуруғларга мурувватли бўлиш, қўлидан келган яхшиликни аямаслик, ҳатто ёмонликка ҳам яхшилик билан жавоб қайтариш ҳақиқий жўмардлик, жувонмардлик саналади. Ота-боболаримиз бировга қилинган яхшиликни юзига солиш, миннат қилишни катта айб санаганлар.

Ўнг қўлинг қилган яхшиликни чап қўлинг билмасин, дейди халқимиз. Тарихий урф-одат ва анъаналаримизга назар солсак, бу гапнинг амалий исботини кўришимиз мумкин. Масалан, бурунги замонларда эри узоқ сафарга кетган аёл остона ҳатлаган. Уйда сув тугаб қолгудек бўлса, бўш челакни эшиги олдига чиқариб қўйган. Ўткинчилар бу уйда эркак йўқлигини билиб, сув келтириб берган.

Ота-боболаримиз катта йўл бўйларига мевали ва серсоя дарахтларни кўп экканлар — узоқдан чарчаб келаётган йўловчилар дарахт соясида ҳордиқ олиб, мевасидан баҳраманд бўлсин, деб.

Қадимда деҳқонлар йил бўйи полиз экинларининг ёнатрофини ўраб-чирмаб парвариш қилишган-у, ҳосил пишгач, четан деворларнинг бир четини атай бузиб қўйишган экан. Чунки, ўтганқайтган бу меҳнат маҳсулидан баҳра олсин, деганлар. Полиз бошида ҳеч қачон қовун-тарвуз сотилмаган, балки текин улашилган. Бу анъана Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»сида ҳам зикр этилади.

Булар бугунги кунимиз учун бир оз ишонарсиздек туюлиши мумкин. Бу эса, қадимий урф-одат ва анъаналаримиздан анча узоқлашиб қолганимиздан бўлса керак.

Орамизда топганини халқ билан баҳам кўрадиган, валломат тадбиркорлар, бой-бадавлат кишилар кам эмас. Кишиларимиз топган тутганини тўй-ҳашам учун йиғади. Йиллаб тўплаган бор-будини яхши кунда эл-юртнинг олдига тўкади. Тўй-маъракаэса халқники.

Бироқ, кўпинча, ҳотамтойлик ва исрофгарчилик, мурувват ва манманлик орасидаги тафовутни сезмай қоламиз. Муҳтож кишига бир коса ош тутишни ўзига эп кўрмаган айрим бойваччалар дабдабали тўй қилиб, одамларнинг оғзини очириш учун миллионлаб пул сарфлаши ҳеч кимга сир эмас.

Алишер Навоий «Ҳамса» достонида исрофгарчилик ҳам хасислик эканини айтади. Унинг фикрича, муҳтож кишилар учун дастурхон ёзиб, уларнинг ҳожатини чиқариш саҳо белгисидир. Ном чиқариш учун этак-этак пул сочишдан кўра хасислик афзалдир. Ўзи каби бой кишилар олдига шоҳона дастурхон ёзиб, қимматбаҳо сарполар ёпиб, бойлигини кўз-кўз қилгувчилар боғ устидан ёғмай ўтиб, тоққа ёмғир сочадиган булутга ўхшайди.

Ҳотамтойлик, хайр-саховат ва олижанобликнинг ҳам ўз шакл-шамойили, чегараси бор. Буни ҳар биримиз яхши англамоғимиз керак. Мамлакатимиз раҳбарининг 2004 йилни Меҳр ва мурувват йили, дея эълон қилишида улуғ бир ҳикмат бор. Асрий анъаналаримизни тиклаш, ота-боболаримизнинг хайрли удумларини кишиларимиз онгига қайтадан сингдиришдадир ул ҳикматнинг асл моҳияти.

Рустам ЖАББОР,
ЎзА шарҳловчиси.

● МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

АВТОБУСДАГИ ВОҚЕА

Автобус навбатдаги бекатга келиб тўхтади. Автобусга чиқаётган одамлар орасида иккита катта сумка кўтарган аёл йўловчиларнинг тушаётганига ҳам эътибор бермай ҳаммани турта-турта ичкарига шошилди. Унинг ҳаракатидан ёшига муносиб бўлмаган бесаранжомлиги кўриниб турарди. У автобусга чиқиб олгач, ён-атрофга аланглаб ўтиришга жой излай бошлади. Бироқ, ҳамма ўриндиқлар банд бўлганлиги учун унинг кўзи дераза ёнида ўтирган ёшгина қизга тушди. У чуқур хаёлга толган ҳолда нигоҳини бир нуқтага қадаб ўтирарди. Аёл бир амаллаб ўриндиқ ёнига келди-да, қизнинг жой беришини кутди. Бир оз кутгач, қизга гап теккизиб жаврай кетди:

— Ҳозирги замон қизлари ўта тарбиясиз. Катталарни кўрса ҳам ўзини кўрмаганликка олади. Биз ёшлигимизда катта одамларга дарҳол жой берардик, ҳурмат қилардик. Булар ҳурмат нима эканлигини ҳатто билишмайди ҳам.

Аввалига аёлнинг бу гапларига бепарводек кўринган қиз, унинг пичингларидан ўзига келиб, жой беришга уринди. Ўрнидан туриб аёлдан кечирим сўради-да, автобуснинг суянчиғини излай бошлади. Бесабр аёл эса қизни туртиб унинг жойига ўтди. Аёлнинг қўпол ҳаракатидан қиз ўзини ўнглай олмай йиқилиб тушди. Сабаби унинг кўзлари ожиз эди. Бу воқеани кузатиб турган бошқа бир аёл унинг туриб олишига ёрдам берди ва ўзининг жойига ўтқазди. Ўялганидан қизнинг юзлари қизариб кетганди. Аёлнинг раҳми келиб бояги хотиннинг нотўғри ҳаракатига эътироз билдирди:

— Ахир сиз кап-катта аёлсиз-ку, бечора қизни туртиб ўтиб, ҳатто йиқилганига ҳам эътибор қилмадингиз. Кўзи ожиз бўлса-да сизга жой берди, туртиб ўтишингиз шартмиди?

— Сиз аралашманг,—эътирозчининг ўша заҳоти жеркиб ташлади у. — Нима менинг кўрлигини билиб ўтирибманми, ёки пешонасига ёзиб қўйибдими? Кўзи ожиз бўлса ҳамроҳ олиб юрсинда!

Бу аёлга гапириш бефойда эди. У қизнинг кўнглини огритиб, уни камситган бўлса ҳам бепарво ўтириши атрофдагиларни ҳайратга соларди. У худди тўғри иш қилгандек, кечирим сўрашни ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди.

Автобус яна бир бекатга яқинлашгач, аёл сумкаларини олиб йўловчиларни турта-турта эшик олдига яқинлашди ва шошилганича тушиб кетди. Барча йўловчиларга бу ҳолат бирдек қаттиқ таъсир қилди. Автобус ичига сокин жимлик чўкди. Шунда бир кекса отахон «Одобни беодобдан ўрган, деган донолар. Бу ҳикматни унутманг яхшилар. Мана бу меҳрсиз, жоҳил аёлнинг нодонлиги барчангизга сабоқ бўлсин», — деди сукунатни бузиб. Ҳамманинг хаёли бўлиб ўтган воқеанинг мулоҳазаси билан банд эди.

Баҳора АКРОМОВА,
ЎзМУ талабаси.

Мунажжимлар башорати

ҚЎЙ. Ҳафта сиз олдинга қўйилган мақсадларга эришиш учун янги кучлар ҳадя этади. Сизни ишларда салмоқли олга силжиш кутмоқда. Кўп куч сарфламасдан, ўз мақсадингизга эришишингиз мумкин. Хизмат сафарлари кутилган натижаларни беради. Командирлар ва сафдошлар билан баҳс-мунозарага бормай, хизматингизни тинч давом эттиринг.

БУЗОҚ. Бу ҳафтада фаоллик ва келажакка ишонч билан қараш орзу қилган муваффақиятга эришиш имконини беради. Раҳбарлар эътиборини жалб қилмасликка интилинг, чунки сизга кўплаб топшириқлар юкланиши мумкин. Миш-мишларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлинг. Ўта ишонч, молиявий ҳолатингизга таъсир кўрсатиши мумкин.

ЭГИЗАКЛАР. Ҳафтада катта ўзгаришлар кутилмайди. Янги танишувлар орттириш имконини қўлдан берманг. Касбий алоқаларни кенгайтиришга ҳаракат қилинг, бу сизга яхшигина фойда келтиради. Командирларнинг сизга нисбатан ижобий қарашларидан фойдаланинг. Ўзгалар ишига аралашманг, акс ҳолда ўз ишларингизни ҳал қилишга вақт қолмайди.

ҚИСҚИЧБАҚА. Йиғилиб қолган ишларни кейинга қолдирмасдан, шу ҳафта ичида бажариб олиш тавсия этилади. Бунда сафдошлар ёрдамига таянишингиз мумкин. Эътиборли, эҳтиёткор бўлинг, чунки аҳамиятсиз кўринган нарса ҳам ишингизга халал бериши мумкин. Ҳафта ўртасига келиб барча ишлар яхши томонга юришиб кетади.

АРСЛОН. Бу ҳафтада сизни кўплаб учрашув, телефон орқали мулоқот, музокаралар кутмоқда. Хизмат сафарларида ва қоғоз ишларида омад сизга ёр бўлади. Ҳазил-ҳузул борасида эҳтиёткор бўлинг — чегарадан чиқмасликка интилинг. Асосий мақсадлардан чалғимасликка ҳаракат қилинг. Сафдошлар ёрдамига таянишингиз мумкин.

ПАРИЗОД. Қайсидир маънода бир оз ортга чекинишга, ниманидир кейинроққа қолдиришга, баъзи нарсалардан бутунлай воз кечишга тўғри келади. Ақлли бўлинг, чунки бу даврда келажак муваффақиятларингиз пойдевори яратилади, ҳаёт шароитларингиз яхшиланади. Омадни чўчитиб юбормасликка интилинг. Хизматда муаммолар юзага келмайди.

ТАРОЗУ. Ҳафтани бутунлай хизматга бағишлашга тўғри келади. Дам олиш ҳақида ўйлаш учун, аввал сиз кўп ишларни бажариб олишингиз лозим бўлади. Вазият сиз ўйлаганчалик ёмон эмас. Хизматни кўтаринки кайфиятда давом эттиринг. Вазмин, босиқ бўлишга ҳаракат қилинг, кимга, нимани гапираётганингизга эътибор беринг. Хизматдаги ташаббускорлигингиз муносиб баҳоланади.

ЧАЁН. Янгилик, ахборотларга эҳтиёт билан муносабатда бўлинг, миш-миш, ғийбатлардан ўзингизни тутинг, чунки сизни нотўғри тушунишлари мумкин. Янги иш бошламоқчи бўлсангиз, ишончли шериклар танланг. Сафдошлар, атрофдагилар билан муносабатлар кўнгилдагидек давом этади. Касбий фаолиятингиз билан боғлиқ яхши ўзгаришлар кутилмоқда.

ЎҚОТАР. Ижодий салоҳиятингизни сафдошларга намоён этиш учун қулай ҳафта. Сизга омад ёр бўлади. Янгиликлар сизни хурсанд қилади. Сизнинг кўтаринки кайфиятингиз яқинларингиз ва сафдошларингизга ҳам ўз таъсирини ўтказади. Баҳсли вазиятлар юзага келса, хушмуомалаликни ишга солинг— бу сизга яхши натижалар келтиради.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Қизиқарли кишилар билан танишув бўлиши мумкин. Кутилмаганда берилган маслаҳатларга қулоқ тутинг. Ҳаёт хизматингизда сиз учун янги истиқболлар очади. Яқинларингизга ёрдамингиз зарур бўлади, буни рад этмасликка ҳаракат қилинг. Молиявий масалаларда ҳиссиётларга берилманг, улар сизни чалғитиши мумкин. Хизмат борасида ишчан кайфиятда бўласиз.

ҚОВҒА. Сизга кўринишидан истиқболли бўлган иш таклиф қилишлари мумкин, аммо, бу таклифни қабул қилишга шошилманг, ҳаммасини яхшилаб ўйлаб кўринг. Вазият ўзгариб, хизматда олдинга силжишга имкон яратади. Бир неча ишни бир вақтда бажаришга ҳаракат қилманг, яхшиси баъзиларини кейинроққа қолдириб, қолганини сифатли бажаринг.

БАЛИҚ. Ҳафта назариётни амалиётга айлантириш учун қулай келади. Ишларни келажак истиқбол нуқтаи назаридан баҳолашга интилинг. Бу ҳафтадаги воқеалар маълум муддатдан сўнг ўз натижасини беради. Чарчоқ билан боғлиқ хатоликлар бўлиши мумкин. Режаларда сезиларли ўзгаришлар юзага келиши эҳтимоли мавжуд.

АСАБЛАРИМИЗНИ АСРАЙЛИК

XXI аср илм-фан тараққиёти асридир. Ҳар биримизнинг хонадонимизга кириб келаётган, ҳаётимизга сингиб бораётган замонавий техника воситалари — уяли алоқа, компьютер, интернет каби терминлар инсон ақли, тафаккури маҳсулидир.

Аммо... Ҳозирда бизнинг феъл-атворимизда салбий ҳолат сифатида ўрнашаётган қизиққонлик сабаб бирбиримизнинг ўринли гапларимизни кўтара олмайдиган, асабий бўлиб қолмаяпмизми? Ғоҳида кўча-кўйда, автобус, трамвайларда юрганимда мана шу ҳолатни кўп кузатаман. Баъзан жамоат транспортларида йўловчи билан кондуктор ўртасида бўладиган мана шундай асабийлашишлар ҳақорат, ҳаттоки сўкинишлар билан тугайди. Бунга ўхшаш ҳолларни кўплаб учратиш мумкин.

Ёши каттароқ, кекса кишиларимизнинг асабийлигини тушунса бўлади. Чунки, киши меҳнат қилиб ҳориганда, ташвишлардан толиққанда асаблар ҳам чарчайди.

Бироқ, ушбу ҳолат айниқса, айрим ёшларимиз орасида «шўҳлик»нинг ўзига хос бир кўринишида намоён бўлиб қолмоқда. Балки биз ғарб давлатларидан оқиб келаётган кўплаб уруш-жанжалга, ҳақоратларга тўла жангари фильмлардан «ўрнак» олаётгандирмиз. Ёки бўлмаса «зўр»лигимизни кўрсатиб қўйиш учун бир парда баланд овозда гапиришимиз кимлар учун ёқимлидир? Китобхон ёшларимиз яхши билишади, агар бирон-бир асар инсон руҳиятига кучли таъсир қилса, ўқувчи ана шу асар қаҳрамонидек бўлишни, унга ўхшашни хоҳлайди. Балки, биз ўзимизга «идеал» кишини жангари фильмлардан топаётгандирмиз.

Кўпчилик ёшларимизда кузатилаётган сочларнинг бехосдан оқариши асабийлашиш оқибати эмасмикан? Биз бугун мана шундай қизиққон, асабий бўлсак, биздан кейингилар учун бу нарса «одатий ҳол»га айланиб қолмасмикан? Ахир, ота-боболаримиз ўз даврининг «етти ўлчаб, бир кесадиган», фикр-мулоҳазали, босиқ кишилари бўлишган. Бир ҳадиси шарифда ҳам «Энг кучли инсон, жаҳли чиққанида ўзини идора қила олган кишидир», — деб эътироф этилгани бежиз эмас.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, дунё олимларининг таъкидлашича, XXI аср фан тараққиёти ривожи билан биргаликда, кишиларда асабнинг бузилиши ва у билан боғлиқ касалликлар ҳам тезлашаркан. Шундай экан, асаб бузилишларининг салбий оқибатларини ҳар биримиз танимизга ўйлаб кўрайлик. Зеро, биз улуғ фазилатли, бағрикенг, доно халқнинг фарзандларимиз. Юртимизнинг эртанги нури истиқболи, ўсиб-улғайиб келаётган келажак авлод вакиллари — биз ёшларнинг қўлида эканлигини унутмаслигимиз керак.

Зоҳид ҲУСАНОВ,
ТДПУ талабаси.

● СПОРТ ●

МУСОБАҚАЛАРДАН ХАБАРЛАР

СТОЛ ТЕННИСИ. 9 апрель куни Душанбе шаҳрида бошланган стол тенниси бўйича халқаро турнирда яна бир ҳамюртимиз Греция йўлланмасига сазовор бўлди.

Турнирда қирқ мамлакат спортчилари ягона йўлланма учун баҳс олиб борган. Мусобақанинг финал босқичида рақибларидан устун келган ўзбекистонлик Саида Бурхонхўжаева ана шу ягона олимпия лицензиясини қўлга киритди.

Энди иқтидорли теннисчимиз Олимпиада ўйинларида қатнашадиган биринчи ўзбекистонлик стол теннисчиси сифатида тарихда қолади.

Айни пайтда Саида стол тенниси бўйича Италия чемпионати «А» сериясида иштирок этмоқда. Яқинда у Ўзбекистон терма жамоаси сафида жамоадош дугоналари — М. Иноятова ва С. Гетта билан бирга Қатар пойтахти Доха шаҳрида стол тенниси бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатининг тўртинчи дивизионида муваффақиятли қатнашиб, биринчи ўринни эгаллаган эди.

***

ШАХМАТ. Эрон пойтахти Теҳрон шаҳрида шахмат бўйича 16 ва 18 ёшли шахматчилар ўртасида Осиё чемпионати ўтказилди.

16 ёшли бўлган ўсмирлардан юртимиз шарафини Ирина Геворгян ва Евгений Пак, 18 ёшгача бўлган йигит-қизлар баҳсида Ольга Кузнецова ва Антон Филиппов ҳимоя қилди.

Терма жамоамиз аъзоларидан энг юқори натижани Антон Филиппов қайд этди. Иқтидорли шахматчи тенгқурлари орасида энг кўп очко жамғариб, юртимизга Осиё чемпионати олтин медали билан қайтди.

***

ЎҚ ОТИШ. Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида ўқ отиш бўйича «Олтин Мерган» халқаро турнири ўтказилди. Ушбу мусобақада етакчи спортчиларимиз билан бирга ёш мерганларимиз ҳам муносиб қатнашди.

Бу йилги Олимпиада ўйинларига йўлланма олган Вячеслав Скромнов иккита олтин ва битта бронза медалга эга бўлди. Сергей Возмишев биттадан кумуш ва бронза медаллар билан тақдирланди.

Мусобақада ёш мерганларимиз ҳам ўзини кўрсатди. Иқтидорли мерган Яна Фатхи катталар ўртасида бронза, ўсмирлар баҳсида олтин ва кумуш медалларга сазовор бўлди.

Шунингдек, Азиз Муҳаммадраҳимов олтин, Сокина Мамедова ҳамда Елена Пилаева бронза медаллар соҳиби бўлишга эришди.

***

ТРИАТЛОН. Филиппиннинг Субик-Бей шаҳрида триатлон бўйича Осиё чемпионати ўтказилди. Триатлон бўйича Ўзбекистон терма жамоаси 23 ёшгача бўлган спортчилар баҳсида қатнашди.

Юртимиз спорт шарафини Иван Морозов, Артём Михеев, Дмитрий Тишаев, Евгений Алексеев, Артём Черепановдан таркиб топган терма жамоа ҳимоя қилди. Умумжамоа ҳисобида триатлончиларимиз Япония ва Сянган жамоаларидан кейин фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

ЗУЛФИЯ ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти қошидаги академик лицейнинг инглиз тили ўқитувчиси Зулфия Туюнбоева АКСЕЛС танлови иккинчи босқичининг ғолиби бўлди.

— Яқин вақтда лицей қошида тил марказини очмоқчимиз, деди З. Туюнбоева «Туркистон-пресс» мухбирига. — Хоҳловчилар бу ерда инглиз тилидан ўз билим ва малакаларини ошириши мумкин.

З. Туюнбоеванинг таъкидлашича, институт инглиз тили кафедраси билан ҳамкорликда лицейлар учун инглиз тили дарслигини яратиш, тил ўқитишнинг янги услубларига бағишланган семинарлар ўтказиш режалаштирилмоқда.

«Туркистон-пресс».



Кунда л н к ҳаётимизда телевизор жуда муҳим аҳамиятга эга. Уни кўриб, оламда бўлаётган янгиликла р д а н хабар топамиз. Концерт, кино кўриб, дам оламиз. Шу боис телевизор доимо соз бўлиши керак. Оддий аскар Раҳмон Жўраев телевизорларни созлаш бўйича уста. У ўз касбини пухта эгаллаган.

Александр МРУЧАК олган сурат.

КУНЧИҚАР ЮРТ ТУҲФАСИ

Ўзбекистон давлат консерваториясига Япония ҳукуматининг хайрия гранти бўйича олинган чолғу асбоблари ва аудио ускуналар топширилди. Айни вақтда ушбу санъат қошонасида Кунчиқар юртда ишлаб чиқарилган рақамли овоз ёзиш ускуна ва асбоблари билан жиҳозланган икки студия ишлаб турибди.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар, айниқса маданият соҳасидаги ҳамкорлик фаол ривожланаётир, — деди Японияниг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато. — Анъанавий ўзбек миллий чолғу асбоблари ўзининг бетакрорлиги билан ажралиб туради.

(ЎзА).

● ТЯЖЕЛАЯ АТЛЕТИКА

ВСЯ НАДЕЖДА НА АРМЕЙЦА

Завершившийся в Казахстане чемпионат Азии, давал последнюю возможность штангистам континента завоевать путевки на Олимпиаду. Напомню, к этому времени у узбекистанцев было три лицензии, которых они удостоились еще в ноябре прошлого года, выступая на чемпионате мира в Канаде. Имена их обладателей вам хорошо известны — это самый опытный наш тяжелоатлет армеец Игорь Халилов, а также Александр Уринов и Батыр Усманов. Исходя из этого, вполне понятны были мотивы решения наставников, когда в Астану они решили отправить тех, кто мог еще побороться за это почетное право. В итоге на чемпионате оказались Шахрух Алиходжаев, Рустам Джумамурадов и Санджон Муинов. В состав команды был включен и Игорь Халилов, но задача у него была совсем иного рода — качественно подготовиться к главным стартам четырехлетия. Как сообщил, генеральный секретарь федерации тяжелой атлетики республики Шахрулло Махмудов, выступления наших спортсменов удачным не назовешь. Конечно, если не брать во внимание армейца Халилова, который редко когда остается без наград на соревнованиях подобного ранга. Вот и теперь Игорь остался верен себе, став серебряным призером чемпионата. Что же касается остальных, то они оказались вдалеке от черты призеров, а это означает, что на Олимпиаде Узбекистан будет представлен тремя атлетами, среди которых, основная надежда, конечно же, на армейского спортсмена.

● СПОРТИВНАЯ ГИМНАСТИКА

СЕРЬЕЗНАЯ ЗАЯВКА

Победная поступь нашей именитой спортсменки Оксаны Чусовитиной, уверенно продолжается. Не так давно она блистала на этапах Кубка мира во Франции и Германии, а теперь на аналогичных соревнованиях в Бразилии она покорила своим мастерством и сердца любителей этого вида спорта в Южной Америке. Оксана вышла в финал во всех четырех видах программы, в двух из которых сумела завоевать медали. Если в упражнениях на брусьях она удостоилась «бронзы», то в своем коронном опорном прыжке ей как и прежде равных не было. Ближайшие конкуренткн — Сакромоне из США и Вон Валлегема из Бельгии заметно уступили нашей соотечественнице. Нынешний успех, увеличивший количество рейтинговых очков, еще одно подтверждение тому, что у Оксаны есть все шансы на «золото» в летней Олимпиаде.

● ТЕННИС

И ВНОВЬ НЕУДАЧА

В очередной раз наша сборная пыталась пробиться в мировую группу, и вновь ее подстерегла неудача, хотя поначалу все складывалось для нее вполне нормально. В начале февраля она встречалась с командой Китайского Тайпея и одержала тогда уверенную победу — 4:1, сейчас же ситуация повторилась с точностью до наоборот. В Таиланд узбекистанские теннисисты отправились привычным составом — Вадим Куценко, Мурод Иноятов, Сарвар Икрамов и Дмитрий Мазур, и практически все они уступили свои матчи. Первым осечку допустил Куценко, не сумел исправить ошибку товарища по команде Мазур, а когда проиграл и дуэт — Куценко — Иноятов — все стало предельно ясно: второй этап розыгрыша Кубка Дэвиса провален. Теперь остается ждать следующего года, чтобы все начать сначала.

Ярослав КОРУКА.

● БОЛАЛАР СПОРТИ

«ШУНҚОРЛАР» КУЧ СИНАШДИ

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида мактаб ўқувчиларининг анъанавий «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақаларининг вилоят босқичи якунланди.

Сафда юриш, ҳарбий қўшиқларни ижро этиш, мергандик, граната улоқтириш, жанговар-сиёсий тайёргарлик каби қизиқарли ҳарбий машғулотлар бўйича бўлган баҳсларда Жиззах шаҳридаги 1-мактабнинг «Ҳумо» жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Пахтакор туманидаги 1-мактаб вакиллари, учинчи ўрин Зафаробод туманидаги 10-мактаб ўқувчиларига насиб этди.

Мактаб ўқувчиларининг икки йилда бир ўтказиладиган «Шунқорлар» мусобақасининг мамлакат босқичи май ойида Жиззахда ўтказилади. Айни кунларда вилоятда унга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

● КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК

ҚИММАТБАҲО КИТОБ

Ўқитувчи:

— Фахриддин, айт-чи, уйларингда қандай қимматбаҳо китоб бор?

Фахриддин:

— Дадамларнинг омонат дафтарчаси.

ЎЗИНИ ЮБОРИНГ!

Телефон жиринглади:

— Лаббай, — деди Шоқосим.

— Бу 13-13-99ми?

— Шундай.

— Мен Таништириш бюросиданман. Сизга қизнинг суратини юборайликми ёки уйнонини?

Шоқосим ҳайрон. Чунки у Таништириш бюросига мурожаат қилмаган эди-да! Лекин буни сездирмай уларга деди:

— Яхшиси ўзини юбора қолинг!

МЕРОС

— Наҳотки Мирзақулнинёзнинг ўлгани рост бўлса? — деди Насриддин дўстига.

— Рост, — деди дўсти, — бор-йўғини хотинига ташлаб, ўлди-кетди.

— Бор-йўғи кўпмиди?

— Ўн битта бола.

МАҚТАНЧОҚЛИК

— Мен шунчалик кўп маош оламанки, — деди мақтаниб эри хотинига, — сенга ўхшаш хотинлардан учтасини бемалол боқишим мумкин.

— Жуда яхши, — деди ўз навбатида хотини ҳам, — ундай бўлса, онам билан бувим ҳам бизникига кўчиб келади.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



ЭНИГА: 7. Электр мина, электромагнит телеграф яратган рус ихтирочиси ва шарқшуноси. 8. Космонавт-учувчи, полковник. 9. Сардор бошчилигидаги спортчилар гуруҳи. 12. Марказий Осиёдаги тоғлик ўлка. 13. Ўзбек халқ достони. 16. Учбурчак томонларидан бири. 17. Қирғизистондаги Ўш вилоятининг Қорадарё бўйидаги шаҳар. 21. Шаҳар электр транспорти. 23. Африкада жойлашган Зоир республикаси пойтахти. 24. XIX аср Озарбайжон маърифатпарвар ёзувчиси.

БУЙИГА: 3. Маймунларнинг узунбурун туркуми. 4. Одилона ва холисона иш юритиш. 5. Японияда ишлаб чиқарилган автомобиль маркаси. 6. Ҳаво шари қисми. 10. Немис шоҳмат гроссмейстери. 11. Разведка ёки соқчилик учун юборилган кичик отлиқ қисм. 14. Соатнинг ҳаракатни ростлаб турувчи қисми. 15. Қалъа деворининг беш қирралик меъморий безаги. 18. Маҳсулотга босма йўли билан ишлов берувчи қурилма. 19. Абдурауф Фитрат меросига мансуб шеърий тўплам.

ЁЙЛАР БУЙИЧА: 1. Қуёш галактикаси тизимидаги энг катта сайёра. 2. Хоккей ўйини ватани. 20. Элчихона қошидаги дипломатик таркибда хизмат қилувчи мансабдор шахс. 22. Юнон асотирида — само гумбазини кўтариб турувчи паҳлавон.

Фозилжон ОРИПОВ.

ГАЗЕТАНИНГ 41-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

БЕЛГИЛАНГАН ХОНАДАН РАҚАМ АТРОФИГА СОАТ МИЛИ ЙЎНАЛИШИДА: 1. Муҳофаза. 3. Бостирма. 5. Думбадзе. 7. Тошҳовли. 15. Линолеум. 18. Иллинойс. 24. Сабзавот. 26. Гипотеза. 28. Сарпарда. 30. Вақфнома.

ЭНИГА: 2. Ҳам. 4. Соз. 6. Мил. 13. Америка. 16. Нун. 17. Кий. 20. Девзира. 25. Бўз. 27. Пуд. 29. Рум.

БУЙИГА: 8. Фил. 9. Исм. 10. Арк. 11. Обн. 12. Ариза. 13. Анд. 14. Ака. 19. Лос. 21. Енг. 22. Рад. 23. Нав.

Баш муҳаррир
полковник
Ирисмуҳаммад
АБДУҚАРИМОВ.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
700031, Тошкент шаҳри,
Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй.

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Баш муҳаррир ўринбосари — 56-17-93; масъул котиб — 56-04-60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими — 56-02-51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими — 56-02-49; оммавий ишлар ва спорт бўлими — 56-08-72; маданият ва иктимоий ҳаёт бўлими — 56-03-48; социология ва реклама бўлими — 56-54-76.

Нашриёт ва босмахона бошлиғи—56-04-90; ҳисоб-китоб бўлими—56-03-82; обуна бўлими—56-03-46; буюртмалар бўлими—56-18-44; навбатчи—56-09-81.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Газета Узбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

«Ватанпарвар» газетаси босмахонасида чоп этилди.

Буюртма № 0127.